



ОЛИЙ БАХТ  
Газета 1991 йил  
21 марта даң чиқа бошлатган

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2006 йил 28 январ, шанба № 15-16 (2065)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Шодликларим самодай чексиз,  
Кўнгим эса қордай беғубор,  
Сен ҳам ташлаб кетмагин энди  
Бизни, қоржон, азиз оппок кор

Ривожланган мамлакатлар  
аҳолиси орасида камқонлик 5-  
20 фойзи ташкил қиласи, ри-  
вожланаётган мамлакатларда  
эса бу кўрсаткич 40-80 фойзга  
етади.

4  
бет



БИЗДАН 11-бет  
СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ИККИ МИНГ СҮМ  
ВА ЭСКИ РАДИО

уларни уй эгаси шундок ҳам  
ўғрига бериб юборган  
бўларди

ДУНЁНИНГ  
ЕТИ МЎҶИЗАСИ  
дарвоҷе, саккизинчи  
мўҷизага ҳам  
номзодлар бор



ПЕНСИЯ  
ГУВОҲНОМАСИ

АРМОНГА АЙЛАНГАН  
ОРЗУЛАР


13-бет

(воқеий ҳикоя)

15-бет

С  
К  
А  
Н  
В  
О  
Р  
Д

ПЕНСИЯГА ҚАЧОН, 5-бет  
НЕЧА ЁШДА ЧИҚМОҚЧИСИЗ?



## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қабулхонасида

**"Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас"...**  
**Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Кодирийнинг шоҳ асари бўлмиш "Ўткан кунлар"дан олинганд ушбу сатрлар касаба уюшмалари фаолияти мазмунмохиятига жуда мос келади.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қабулхонаси ҳамиша, барча учун бирдек очик. Кимdir иш берувчи томонидан ноконун равишда ишдан бўшатилгани, бошқаси соғлиғига етказилган зарар учун товон пулини ундириш мақсадида қонуний ҳақ-хукуқларини тиклаш учун ёрдам сўраб мурожаат этади.

Хусусан, қабулхонага Тошкент шаҳар, академик Нурмуҳамедов кўчасида яшовчи фуқаро Р.Абзалиловдан ариза тушди. У саломатлигига етказилган зарар бўйича тўловни "Тоштўқимачи" ҳиссадорлик жамиятидан вақтида ололмаётганилиги тўғрисида шикоят қилди. Ариза зудлик билан Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий

кенгаши мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилди. Натижада Р.Абзалиловга 2005

ҳам Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассислари томонидан ижобий ҳал қилинди. Яъни, жамият ҳисбхонаси ходимларининг айби билан Р.Абдуллаева ўз вақтида ололмаган маблағ — 2005 йил октябр, ноябр, декабр ой-

шартномаларини иш берувчи нинг ташаббусига кўра бекор қилишда кўпол хато ва камчиликларга йўл кўйиш, асоссиз ишдан бўшатиш, соғлиғига етказилган зарарнинг иш берувчи томонидан ўз вақтида тўланмаслиги каби холатлар бўйичадир, — дейди Федерация

## ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Ийлнинг ноябр ойига бўлган муддат учун етказилган зарар учун тўлаб берилишига эришилди.

Самарқанд вилоят "Қишлоқ-хўжаликкимё" худудий акциядорлик жамиятининг ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Р.Абдуллаеванинг учойлик пенсиясини ололмаётганилиги тўғрисидаги аризаси

лари учун тўланиши лозим бўлган 63 минг 654 сўм пенсияси тўлаб берилди.

— Фуқаролардан келган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг аксариятини меҳнат муносабатларига оид мурожаатлар ташкил этади. Булар ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш, ходимнинг розилигисиз бошқа ишга ўтказиш, меҳнат

Кенгашининг юридик бўлими мудири Абдусалом Рискуллаев. — Республика касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётгандан хукуқшунослар, мутахассислар ҳар бир инсондан келган мурожаатни чуқур ўрганиб чиқсан ҳолда, ариза ва шикоятларни қонун доирасида ҳал этиш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқдалар, десак муболага бўлмайди.

Сир эмаски, ариза ва шикоятларнинг ёзилишига баъзи бир иш берувчиларнинг амалдаги қонунларни яхши билмасликлари ёки билсалар ҳам амал қилмаётганиликлари сабаб бўлмоқда. Чунки, кўпчилик мурожаатларда иш берувчи томонидан ходим билан меҳнат хукуқлари поймол этилган ходимларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоялаш мақсадида меҳнат низолари юзасидан фуқаролик судларига даъво аризаси киритиб, меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-хукуқлари тикланшига

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 268-моддаси талабларидан келиб чиқиб, касаба уюшмалари иш берувчилар томонидан меҳнат хукуқлари поймол этилган ходимларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоялаш мақсадида меҳнат низолари юзасидан фуқаролик судларига даъво аризаси киритиб, меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-хукуқлари тикланшига



Ўзбекистон агросаноат мажмуй ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашига ўтган илии меҳнаткашлардан турли масалалар бўйича 52 та ёзма ҳамда 37 та оғзаки ари-



за ва шикоятлар тушди. Шундан 84 таси ижобий ҳал этилиб, 5 нафар шикоятчанинг мурожаати асоссиз деб топилди.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар

## БИР УМРГА МИННАТДОРМИЗ

Инсон кўнгли гулдек нозик бўлади. Аксарият ҳолларда ширин сўз ёки яхши амал билан кўнгли кўтарилиган инсон бундан олам-олам руҳий кувват олиб, бир умрга шундай инсонлардан миннатдор ўтади. Зоро, меҳр кўрган инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Баъзан бир оғиз ширин муомала, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик келгусидаги эзгу ишларга замин бўлади.

Биз, бир гурӯх меҳнат фахрийларининг кўлга қалам олиб ушбу миннатдорчилик мактубини битишимизга ҳам ана шу ҳолат сабаб бўлди. Инсонлар саломатлигига юртимизда биринчи даражали бойлик, деб қаралётганини яна бир карра амин бўлдик. Хусусан, биз Андижон вилоятилик меҳнат фахрийлари Наманган вилоятидаги "Косонсой" сиҳатгоҳида мириқиб дам олиб, саломатлигимизни мустаҳкамладик. Бу масканда дам олувчилар учун яратилган шартшароитлар, тибиёт ходимларининг хушумосалалиги, хоналарнинг шинам ва озода, саранжом-сарышталиги ҳар бир дам олувчига аъло кайфият ва кўтарики руҳ багишлади.

Турли тиббий муолажаларнинг кўли ёнгил шифокорлар томонидан ўз вақтида, малакали амалга оширилганлиги, очиқ чехра ҳамшираларнинг елиб-югурши, ҳурмат ва эътиборларидан ҳар биримизнинг кўнглимиз тўлди. Ҳар куни бир маромда ўтказиладиган турли маданий ва кўнгилочар тадбирлар тиббий муолажаларнинг янада самарали бўлишини таъминлашда, дам олувчиларнинг саломатликлари мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этди.

Ошпазлар томонидан тайёрланётган мазали таомлару толли пиширикларни айтмайсизми! Дам олиш масканидаги озодалик, ҳар бир ишнинг дид билан бажарилиши, ходимларнинг меҳрибонликлари дардимизга малҳам бўлди.

Мана шундай ажойиб масканда имтиёзли даволанишиз учун имкониятлар яратиб берганликлари, кўрсатган эътибор ва ғамхўрликлари учун аввало давлатмиздан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбариятидан бир умр миннатдормиз.

Пахтаобод туманилик бир гурӯх меҳнат фахрийлариномидан:

Турғунбой ХОЛБЕРДИЕВ,  
Улфатхон ТОЖИБОЕВА,  
Одилбек ИСМОИЛОВ



## ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Истиклол йилларида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида жамиятимиз ва ҳалқимизнинг дунёқараши ўзгарди. Энг муҳими, инсон омили юқори погонага кўтарилиди. Таъкидлаш жоизки, кучли ижтимоий ҳимоя таъмими давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг ёрқин мисолини биз ўз қишлоғимиз мисолида таъкидлашни истардик.

Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳукуматимиз томонидан кўрсатилётган ғамхўрликлар боис энг чекка қишлоқларда яшовчи инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий

кўллаб-кувватлашга эътибор кучайди. Шу ўринда касаба уюшмаларининг ҳам ана шу тоифадаги инсонларнинг ижтимоий манфаатлари ҳимояси борасида амалга ошириётган ишларига ҳам алоҳида тўхталишини истардик. Хусусан, Сиҳат-саломатлик йи-


лида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бошчилигида Соглиқни саклаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши вакиллари биз яшаб турган Олтиарик туманининг Бурболиқ қишлоғида истикомат қиливчи кам таъминланган, бокувчиини йўқотган, ногирон, саломатлигини тиклашда кўмактаб бўлган инсонларнинг ҳолидан хабар олдилар. 31 нафар ана шундай фуқароларга соглиқларини тиклашлари учун моддий ёрдам, 11 нафар кишига сиҳатгоҳларга белуп йўлланмалар бўрилди.

Ушбу ғамхўрликлар учун бағрикенг, меҳридаре инсонларга чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Мавлуда РАҲИМОВА,  
Тоштемир САНГИНОВ,  
Мамадали МАМАДАЛИЕВ,  
Содикжон ҲАБИБОВ,  
Олтиарик тумани,  
Бурболиқ қишлоқ  
фуқаролар йигини

## ҲУРМАТИМ ЧЕКСИЗ

Менинг касаба уюшмаларига касаба уюшмалариға бекор қилингизга бўйича соглиғимга етказилган зарар тўловларини ундириб беришда ёрдам сўйиған аризам Агросаноат мажмуй ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши мутахассислари томонидан Фарғона вилоят тар-



моқ касаба уюшмаси билан биргалиқда ўрганиб чиқиби, ижобий ҳал этилди. Натижада менга Бешарик туманидаги пахта тозалаш корхонаси томонидан 5 ойдан бери тўланмайтган соглиғимга етказилган 92 минг 400 сўмлик зарар тўловлари ундириб берилиди.

Ушбу жамоа ташкилоти ортича сарсонгарчиликларга барҳам берди.

Менинг аризамага ўз вақтида кўрсатилган эътибор учун касаба уюшмаларига самимий раҳматимни айтаман.

Акромжон ДЕҲКОНОВ  
Фарғона вилоят  
Бешарик туманидаги  
Коражийда фуқаролар  
йигини

Саҳифани ЎзКУФК  
матбуот котиби Муҳаббат  
ЎРМОНБЕКОВА тайёрлади

## АЛЛАНИЯЗ УТЕНИЯЗОВ

Бешафқат ўлим Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ўқитувчisi, меҳрибон мураббий ва олижаноб инсон Алланияз Утениязовни орамиздан олиб кетди.

Алланияз Утениязов 1936 йилда Қорақалпогистон Республикасининг Кегайли туманида таваллуд топди. У 1952 йили Нукус туманидаги Нукус давлат хўжалигида оддий ишчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. 1962 йили Қорақалпогистон давлат педагогика институтининг чет тиллар факультетини мувоффақияти тамомлагач, ўтиз иккйил давомида Нукус туманидаги 4-урта мактабда ёш авлодга инглиз тили фани бўйича сабоқ бериб келди. 1999 йилдан умрининг охиригача тумандаги «Саховат» фермер хўжалигига бошчилик қилди.

Алланияз Утениязов сермазмун ҳаёт йўлни босиб ўтди. У ёш авлодга чуқур билим бериш, уларни ватанпарварлик ва миллий истиқтолояси руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўши. Шу билан бирга, олижаноб инсо-

ний фазилатлар сохиби, ҳайрли ишларнинг ташаббускори сифатида ўзининг савобли ишлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. У қаровчисиз қолган қариялар, уруш ва меҳнат ногиронлари ҳамда кам таъминланган оиласларга мунтазам равишда ҳомийлик кўрсатиб, ўз кучи ва маблағи ҳисобидан уларга ўй-жойлар куриб беришга кўмаклашган. Нукус туманида иккита болалар боғчаси, иккита мактаб биноси, шифокорлик пункти ва кутубхона барпо этилишида ҳам бош-кош бўлган.

У 1999 йили тумандаги «Нукус» жамоа хўжалиги ҳудудида «Саховат» боғини яратиб, умрининг охиригача уни парвариш қилди ва юртимизни янада обод этишдек эзгу ишга муносиб улуш қўши.

Алланияз Утениязовнинг эл-юрт олдидаги хизматлари, ибратли ишлари муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон ҳалқ ўқитувчisi», «Қорақалпогистон Республикасида хизмат

**И.КАРИМОВ, М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, М.ЕРНИЯЗОВ, Т.ЖЎРАЕВ, Э.БОҚИБОЕВ, И.ЮСУПОВ**



кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонларига, «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлган. 2001 йили Алланияз Утениязов Ватанимизнинг юксак ва шарафли мукофоти - «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган эди.

Ажойиб мураббий, жонкуяр ўқитувчи, фидойи ва камтарин инсон Алланияз Утениязовнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

## «ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ»

### Кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳаммамиз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгиди кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгрок ёритиш, тасвирилаш максадида анъанавий «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда куйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим: Мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини, Мамлакатимизнинг ижтимои-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуклар Миллий истиқол мағкурасининг шакланиши Она-Ватанга мұхаббат ва садоқат Миллий фурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар Кишилар онгиди, руҳиятида, қалбida ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчанини йўлида изланётган замондошларимиз қиёфаси Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари Буюк истиқол туфайли кўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар кўлами.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган галиблар Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади. Танлов галибларини кимматбаҳо совринлар кутмоқда. Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови деб кўрсатилган ҳолда иккичуна 2006 йилнинг 1 августига қадар куйидаги манзилга юбориши лозим:

**700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-үй.**

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64 144-37-87; 144-64-62

### Замондошларимиз

дар? Рости, баъзан бунинг та момила аксими — факат ўз дарди билан яшаб одамларни жонидан тўйдирган раҳбарни хонасидан, залдан ҳайдаб чиқаришганини кўргансан.. Ўша куни умумий йигилиш қатнашчилари раиснинг илтиjosига қарамай уни нафакат вазифасида қолдириш, балки кўп йиллик меҳнати учун ҳўжалик олган миллионлаб даромад ҳисобидан белуп «Тико» автомашинаси билан тақдирлаш ҳакида карор чиқаришди. «Элни сийлагани эл сийлайди», деганлари шу бўлса керак-да.

Мен ўша куни Владимир Яковлевичнинг хаёлидан нималар ўтганини, атрофидаги содда, бегубор одамларнинг мөхр тўла нигоҳидан нимадар уққанини, ўзининг ана шу одамлар учун кераклигидан лаззатли баҳтиёр

## ОДАМ

лик ҳисси вужудини нечоғлик тўлдириганини тарифлай олмасам керак. Ким билади, эҳтимол у ўтган умри давомида излаган, талпинган онлар ана шу баҳтиёрларнада ўз кўрсатандир. Зотан, Ватан деб кўкрагига урганлар эмас, миллати, дини, ирқидан қатъий назар шу Ватан учун хизмат қўлганлар баҳтироқидир.

У Роҳободда туғилди. Болалигидан ўзбек, тоҳжик тилларида байрон сўзлашишни ўрганди. Ҳаттоқи, ота-онаси унинг рус тилини чуқур ўрганимай қолишиндан кўпроқ ташвишланиши. Айтишларича, у вилоята ишлаган пайтарида вакил сифатида тумнлардан биридаги сув босган пахта даласида бўлганида ундан дакки эшитган дехқон «тил билмас ўриси»ни тоҷикнабол боллаб сўккан. Кейин ундан ўз тилида жўялигина жавоб олгач ҳам мулзум бўлиб, ҳам кулгуга қолган экан.

Раиси тушмагур яна ўжарлик қилди. Яна ишлаб беришга розилик берса-да, машина олишига келганда: «аввал ишловчилар олсин» деб йигилиш қарорини бажаришдан бош тортиб юрди. Охири, ниҳоят... Лекин у барibir идорага ўзининг эски «Жигули»сида қатнайверди. Одамлар ҳам бу шартга кўниши.

Кўзилтепадан шимолда — йигирма, йигирма беш чакирим

олисликдаги фалла ургучилигига мўлжалланган, бошқа тармоқлар ҳам гуркираб ривожланаётган «Бухоро» ширкат хўжалигига 2005 йил баҳори янада баракали келди. «Галвир сувдан кўтарилигандан» омборлар донга, хирмонлар дехқон ниятидек оплок, момик пахталарга тўлгани маълум бўлди. Одамлар хонадонига кут-барака кирди. Далалярда бошланган қўшиқ тўйтомошаларга уланиб кетди. Жами ийллик даромад бир миллиард тўрт юз миллион сўмдан ошиб кетади-ю тўйлар ярашмайдими!

— Владимир Яковлевич Шашурин меҳнат фаолияти давомида ўзини билимли, етук муваҳассис сифатида намоён қилди ва республика миқёсида танилди, — дейди агросонаат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кизилтепа туман кенгаши раиси Даврон Воҳидов. — У айни кунларда республика Кишлоп ва сув хўжалиги вазириллиги хўзуридаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва киммёлаштириш кенгаши раиси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириллиги ҳайъат аъзоси, Ўзбекистон кимё саноати кенгаси аъзоси ҳамдир.

Ўтган давр мобайнида «Бухоро» хўжалиги аҳоли манзилгоҳлари тубдан ўзгариб, яшнаб-яшариб кетди. Қишлоқлар лойиҳа асосида янгидан қурилди ва газлаширилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тубдан яхшиланди.

Ҳўжалик ҳудудида иккита замонавий тўқсон ўринли болалар боғчаси, амбулатория, машиналарга ёқилги кўйиш шоҳбаси, барча қулийларга эга бўлган автомат телефон ва электр станциялари курилиб фойдаланишга топширилди. Раиснинг хизматлари ҳўкуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Меҳнат шухрати» ордени, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

Кунлар кетидан кунлар, ойларни кувлаб ойлар ўтаверади. Лекин, умрининг ҳар лаҳзаси яхшиликка, эзгуликка омухта, эл манфаатига, юрт равнағига хизмат қўлганига не ётсан. Владимир Яковлевич ана шундай «ўзимизнинг одам».

**Ялғош САРИЕВ,  
«Ишонч» мухабири**

## ЎЗИМИЗНИНГ

тўпланди. Ўйлардан, шундок иш жойидан — далалардан кетмопадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳамидзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

Менга Кизилтепадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

Менга Кизилтепадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

Менга Кизилтепадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

Менга Кизилтепадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

Менга Кизилтепадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

Менга Кизилтепадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

Менга Кизилтепадаги ҳозирги «Бухоро» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Садриддин 2001 йилнинг қишида ҳисобот йиғилишида бўлган одатдагидан айрича бир воқеа ҳакида кўйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша куни йигилишга тақлиғида ҳам қолдириштади. Ҳётончиликни ўзига қарашли Рахимзода Ҳамид Ҳамидовни тақлиғида ҳам қолдириштади.

# Саломатлик – туман бойлик

## ... ЎЗ-ЎЗИДАН ТУЗАЛМАЙДИ

Гулчехра Давлатова –  
Республика камқонлик  
маркази илмий ходими:

– Камқонликнинг асосий сабаби овқатланиш, яъни тановул қилиётган озиқ-овқат таркибида темир моддаси етарли эмаслигидир. Тўғри, турли сабаблар оқибатида кўп қон йўқотиш ҳам анемияга олиб келади. Лекин аҳоли орасида, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар ва болаларда кўп учрайдиган бу камаллик овқатланиш билан боғлиқ.



Аксарият одамлар танани бакувват қиласидиган, қон миқдорини кўпайтирадиган озиқ-овқатлар деганда, гўштли, ёғли, қанд моддасига бой бўлган таомларни тушунадилар. Аслида, Ўзбекистонимизда бехисоб бўлган мевалар, сабзавотлар, ошкўклар, мosh, ловия, нўхат каби дуккакли маҳсулотлар ҳам темир моддасига, шифобахш витаминларга бой. Пишикчилик фаслида, вилояtlарда бўлганимизда бир манзарага кўп дуч келамиз. Пишиб етилган мевалар тўклиб, чириб ётади. Уларни супуриб олиб хайвонга бергандарини кўрамиз. Ахир уларни қутириб, қишига олиб кўйилса бўлади-ку! Чунки мевалар қоки ҳолида ҳам таркибидаги фойдаларни садаларни сақлаб қолади.

Энг хавфли томони шундаки, камқонликнинг асоратлари бошқа касаллар каби бирданига намоён бўлмайди. Лекин унинг белгиларини англаш қийин эмас. Масалан, соғлом одам ацетон, бензин, керосин ҳидини ёқтирамайди. Камқонлик касалига йўлиқканлар учун бу оддий ҳол. Ерга сув сепгандага кўтариладиган ҳидни яхши кўрадилар. Айниқса, болаларда тупрок, кесак, ҳаттоқи пишмаган ҳамир, мақарон маҳсулотларини ейиш кузатилади – бу дастлабки белгилари.

Камқонлик ривожланиб борса, тирноқлар мўрт, синувчан бўлиб қолади. Ўрта ва оғир даражага ўтганда ҳолсизлик, рангнинг оқарниши, ётоқчилаш, болаларда хотираининг пасайиши доимий ҳолга айланниб боради.

## БОЛА КЎП КАСАЛЛАНСА

Гули Азизова – педиатр:

– Оналар ҳомиладорлик пайтида кечирган хасталиклари орасида болага энг кўп асорат колдидиган касаллардан бири –

камқонлик.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳомиладорлик пайтида онанинг гемоглобин миқдори канча бўлса, туғилган чақалоқнинг қони ҳам шундай бўлади. Бир қарашда гўдакда ҳеч қандай асорат йўқдай кўриниши мумкин. Лекин бола организми ҳар то-

мамлакатлари ўтган асрнинг 50-йиларидан бошлаб фортификация усули, яъни озиқ-овқат маҳсулотларини темир моддаси, витаминлар билан бойитишдан фойдаланади. Бизнинг республикаизда 2003 йилдан бошлаб Хоразм, Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятлари, Корақалпоғи-

бир йил давомида кузатувлар олиб борди. Натижада шундай бўлдики, йил давомида мунтазам равишда фортификация қилинган ун маҳсулотларини тановул қилган хонадон аъзоларининг гемоглобин кўрсаткичи 5-7 миллиграммга кўпайди.

## ШИФО – НОНДАН

2005 йил августидаги Республикаиз Президентининг «Унни фортификациялаш Миллий дастурини амалга ошириш тадбирлари ҳақида»ги Фармони эълон қилинди. Ва бугунги кунда бу Фармон ижроси аҳоли орасида камқонликнинг олдини олиш, даволаш йўлидаги муҳим амалий жарёнга айланди.

Албатта, кўпчилик учун бу янгилик эмас. Лекин... нон дўконларидаги харидорлар билан мулоқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўзи истеъмол қилаётган нон ва ун маҳсулотларининг таркиби, саломатликка таъсири билан ҳамма ҳам қизиқавермайди.

**Эслатмамиз:** бойитилган ун қопида алоҳида «Соғлом маҳсулотлар» белгиси бўлади. Нон заводларида Ўзбекистоннинг 1-на-

# КАМҚОНЛИК – ЖИДДИЙ МУАММО

**Камқонлик – бугунги кунда дунёning жуда кўп мамлакатлари учун жиддий муаммо.**

**Ривожланган мамлакатлар аҳолиси орасида камқонлик 5-20 фоизни ташкил қиласи, ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 40-80 фоизга етади.**

Монлама етук, меъерида ўсиши учун биринчи навбатда хужайралар кислород билан тўқис таъминланиши, яъни қон етарли бўлиши керак. Акс ҳолда боланинг жисмоний, ақлий ривожи ёшига нисбатан орқада қолади.

Қони меъерида бўлган болалар билан камқон болалар касаллик ва рақаларини кузатганда, бир ҳолат яққол кўзга ташланади: камқон болаларнинг касалгача чалиниши осон, тез-тез шамоллайдиган, инжик, ҳаракатлари суст бўлади.



## УЧ ЙЎНАЛИШДА

**Дилором Сулаймонова –  
профессор, Республика  
Гематология ва қон кўйиш  
институти қошидаги камқонлик  
маркази раҳбари:**

– Мустақиллик йилларида республикаизда соғлом она, соғлом бола улғайиши масаласи давлат сийёсати даражасига кўтарилигач, камқонлик муаммосини ҳал қилишга ҳам алоҳида зътибор қаратилмоқда.

Камқонликнинг олдини олиш ва даволаш асосан уч йўналишда олиб борилади. Була – тўғри овқатланишини йўлга кўшиш, таркибида темир моддаси, витаминлар билан бойитилган ундан тайёрланган нонни истеъмол қилишdir.

Камқонликнинг олдини олиш ва даволашда дунёning ривожланган

стон республикасида ун фортификация қилинмоқда.

Дунё мамлакатларида аҳолининг овқатланишидаги ўзига хосликлардан келиб чиқиб турли маҳсулотлар (масалан, Хитойда соя соуси, Хиндистонда туз ва шакар, Японияда гурч, Норвегияда пишлок ва хоказо...) фортификация қилинади. Ўрта Осиё ҳалқлари ун ва ун маҳсулотларини кўп истеъмол қилганликлари учун буғдой уни танланди.

Хўш, унни фортификация қилиш деганда нимани тушуниш керак? Аслида, инсон саломатлиги учун зарур бўлган темир моддаси, витаминлар буғдой таркибида табиий равиша бўлади. Уни тегирмонда янчидан унга айлантириш жараёнда, айниқса, юқори навли унга айлантирганда бу фойдали қисмлари йўқолади. Қора унда эса сақланиб қолади. Ҳозир республикаизда ун заводларида ишлаб чиқарилгаётган 1-навли ун фортификация қилинмоқда, яъни буғдойни тегирмонда янчидан пайтида йўқотилган темир моддаси, витаминлар аралашмаси билан чиқарилмоқда.

Институтимиз ходимлари Тошкент вилоятининг Зангиота туманида қирқта хонадонни танлаб,

вли унидан тайёрланган булка ва патир нонлар бойитилган, саломатлик учун фойдали. Саломатлигинизга бефарқ бўлмасангиз, ҳарид чоғида буни албатта ҳисобга олинг, сотовчилардан сўранг.

Табобат бобокалони Абу Али ибн Сино «Тиб қонуниятлари» асарларида инсон саломатлиги биринчи навбатда у истеъмол қилаётган озиқ-овқатга боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Бойитилган ундан тайёрланган неъматлар ҳам қувват, ҳам шифобахш эканлигини унутманг.

**Гулгун СУЛТОНОВА,  
журналист**

## Эътибор беринг:

**Болаларда ҳамда ҳомиладор ва туғиши ёшидаги аёлларда темир моддасига бўлган эҳтиёж эркакларга нисбатан 3-5 барабар юқоридир. Шунинг учун улар анемия (камқонлик) билан кўпроқ оғришади.**

**Жаҳондаги 189 мамлакатдан 48 тасида ун бойитилмоқда.  
Ўзбекистон уларнинг сафидан жой олди.**

**Дунё бўйича ҳар йили 50000 га яқин аёл туғиши чоғида ёки ҳомиладорлик пайтида камқонлик туфайли ҳаётдан кўз юмади.**

**Болаларда камқонликнинг энг оғир асорати шуки, аклий ва интеллектуал қобилият ривожланмай колади. Айниқса, иккى ёшгача бўлган болаларда кейинчалик анемияни даволаб қон мъёрига келтирилса-да, иктидор куртаклари тўлиқ ривожланмай колади.**



Кечада Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва Тошкент шаҳар хокимлиги ҳамда шаҳар соғликни саклаш бошқармаси ҳамкорлигига йигилиш бўлиб ўтди. Унда тиббиёт ходимларини ижтимоий-иктисодий ҳамда ҳуқуқий жihatдан ҳимоялаш, адолатли ҳақ тўлаш тизими юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шаҳар соғликни саклаш ходимлари қасаба уюшма Қенгашининг бир гурӯҳи мутахассислари йигилиш иштирокчиларининг саволларига муфассал жавоб қайтардилар.

Анжуманда Тошкент шаҳридан барча тиббиёт муассасалари бошлангич қасаба уюшма ташкилотларининг етакчилари катнашди.



## САХОВАТ

. Сарисоё туманидаги «Кароматуллоҳ» фермер хўжалиги раҳбари Икрориддин ҳожи Кароматов туман худудида жойлашган «Фарҳод» болалар ва аёллар муруваттаги ўзи етиштирган 10 тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари ҳамда мева кокилари ҳада қилди. Экологик тоза, инсон организмни учун жуда сабзавотлар муруваттаги мева яшаб даволанаётган аёллар ва болалар учун ажойиб совфа бўлди.

## Мушоҳада

Хўш, нафақа олиш, унинг гаштини суриши факат нафақаҳўлар билди, холосми? Бошқалар – ён-атрофдагилар бефарқми? Беихтиёр нафақага узатилиш жараёнини эслайсан, киши. Албатта, тантанали равишда нафақага кузатиш расм-русумга айланган. Лекин кейин-чи? Нафақаҳўрнинг ҳаёт тарзида қандай ўзгаришлар содир бўлади? Масалан, Японияда бу масалага андак бошқачаро ёндошилади. Ишловчи шахс, фуқаро нафақа ёшини ўзи айтиб, ўзи нафақага чиқишини таклиф қиласа, бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Негаки, таомилга кўра унинг нафақа ёши ўзиға, у ишлабтган корхона, ташкилот томонидан олдиндан айтилмайди. Аввал қандай ишлаган бўлса, шун-

мутлақо муаммога айлан-маслиги, оддий ва самимий йўл билан ҳал қилинмоғи даркор.

Тўғри, нафақаҳўлар тоифаси, уларнинг ўз менталитети, ўз талаб-ҳоҳишлари ҳам борки, бу ҳақда тўхтамайлиложимиз йўқ. Чамаси, нафақа олуви чи ва ишловчиларни бешта гурӯхга бўлиш мумкин.

**Биринчиси**, пенсионер нафақа куни, ҳатто соатини кутади-ю, қўлига тегиши хужжатларни олиши билан ишхонадан фойиб бўлади. Ё нафақа олиб, кўздан нари юради ёки бирор бошқа юмушни бажараётган бўлса ҳам ишхонасига (умри шу ерда ўтганига қарамай) кўринмайди. Безор бўлганми, ҳаҷафчилик ўтганими, ҳеч ким билан иши бўлмайди ҳам. Ўша узоқ ишлаган одам касалга чалиниб, бирор кор-хол бўлса, ҳатто ўлиб кетса ҳам

жўлда қолиб, баъзан бутунлай изисиз йўқолиб кетади.

Бу кимга фойда-ю кимга зарап?! **Тўртингчиси**, нафақаҳўрни чеклаш, четлаштириш, унинг ўз фарзандлари, қариндош-уруглари томонидан амалга оширилади. Натижада осмонда парвоз қилиб юрган одам ўз қобигига

# ПЕНСИЯГА ҚАЧОН, НЕЧА ЁШДА ЧИҚМОҚЧИСИЗ?

**Аслида нафақаҳўр учун муаммонинг ўзи йўқдай. Чунки у қонуни мөхнат таътилига чиккан фуқаро! Колган умрини бамайлихотир нафақада ўтказиши мумкин. Ҳеч ким унинг мушугини пишт деяолмайди. У эркин күш. Хоҳлаганини қилали. Истаги жўш уриб кетса, ўз касби бўйича ишлайди ёки бирор бошқа ишнинг бошини тутиб ҳам кетаверади. Гувоҳи бўлганмиз: не-не одамлар нафақага чиқиши билан қорувулликка «ўтиб кетади». Бир кун «постда» турса, икки-уч кун бекорчи – ҳаёт ўз маромида давом этаверади.**

дай ишлайверади. Аммо у нафақа ёшига ётдими, иш ҳақининг маълум қисми нафақа пули сифатида ажратиб борилади (албатта, иш ҳақининг кўп ёки камлиги назарда тутилиб, белгиланган фоиз ажратилади). Унинг факат дам олишга чиқиши билан, яъни мутлақо мөхнат фаолиятини тўхтатишига қараб, бояги жамғарилган маблағ тўлалигича борилади. Шу боис қунчиқар мамлакатда 17 фоиз нафақаҳўлар жамият тараққиётини таъминлаётган, тўлиқ мөхнат қилаётган фуқаролардир.

Россияда эса бунинг акси. Нафақага чиқиш ва мөхнат қилишнинг қатъий усули қатъият билан қонунлаштириб кўйилган: ёшиг ётдими, марҳамат, маданий дамингни ол, айниқса, раҳбар бўлсанг жойни бўшат, ана раҳбар бўламан, деганлар қалашиб турибди! Ёки нафақанинг ярмини олиб ишлайвер, лекин раҳбарликни топшириб, бошқа ишда жавлон кўрсатишинг мумкин. Тўлиқ нафақа олсанг, бирор ишда ярим штат пулини олиб мөхнат қилишга кафолат берилади..

Шарқ босик, мuloҳазали, узокни кўзлаб, ёти ўлчаб, сўнг одим отади. Ишни пухта ва астойдил бажарди. Дастрлаби илм-фан ривожи Шарқдан бошлангани ҳам бежиз эмас. Раҳбарлик, бошқариш санъати ҳам шарқона бўлган. У отни бўлар бўлмасга қамиламайди. Зоро, етакчилик, одамларни қовуштириши – бу жаҳоний санъат, илоҳий куч-кудрат. Статистика ўжар. Маълумотларга қараганда, шахснинг раҳбарлик имиджи кўпроқ 45-55 ёшга етганда, кўп ҳолларда 60 ёшдан кейин пишиб етилади: аввало босиқлик, ўзини тийиб олиш, катта тажрибага эга бўлиш каби хислатлар уни безайди, янада чиниқиб, мөр-муруват билан ишлашга, ўз маҳоратини кўрсатишга унрайди.

Ишлаганга, Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатгана не ётсин! Файрат-шикоатли одам қандай лавозимда, неча ёшда бўлишидан қатъи назар мөхнат жабҳасини ҳеч қачон тарк этмайди. Шукрки, сен нафақаҳўсан, дам олавер, деган замонлар ўтиб кетганига 15 йил бўляпти. Демак, гап нафақа ёки нафақаҳўр устида эмас, унинг «маҳсулот бериши»да бормоги керак. Бу

собиқ жамоадошлари хабар бўлмаган ҳолларни биламиш.

**Иккинчиси**, нафақаҳўр ишга жойлашади ёки «эски» жойида фаолиятини давом эттиради. Бироқ негадир унга панжа орқасидан қараш давом этади, баъзан нинанинг кўзидаи ҳато қилиб қўйса, писанда қилинади: нафақангни олиб ўтиравермайсанми, ишлаб бўлдинг-ку ёки болаларинг ёрдам бермаяпти? Шу кабилар нафақа соҳибини ишдан баттар совутади, ногимга ишга келади, зуғум давом этса, «бўшайман»га тушиб қолади. Ҳой, бирорада, ўша нафақаҳўр фуқаро ўз соҳасининг пири бўлиб кетган, факат ундан фойдаланиш керак, шогирдлар ортириш лозим, дейдиганлар топилса-чи! Чунончи, таъмирлаш ёки стаконни бошқариш ишларида шундай усталар борки, бошга кўтариш, улардан ўрганиб қолиш керак.

Модомики, етакчилик алоҳида мөхирликни, руҳий-психологик тайёргарликни, прогнозлаштириш-истиқболни пухта билишини талаб қилар экан, ўш раҳбар кадр сифатида шакллангунча, тажрибали, кўпни кўрган етакчидан фойдаланиш зарурати борлигини унумайлик. Унинг ёшига қарамайлик ҳам!

**Учинчиси**, нафақаҳўр кўпинча ўз тажрибаси ва билимини ўргатиш учун ўзини кўярга жой тополмай ҳаракат қиласи; ишга жойлашади, янги фирмалар очади, оригинал лойиҳалар таклиф қиласи, иш ўринлари топади, хуллас, мөхнат иштиёқи жўшгандан жўшид турди. Бироқ, дабдурустдан, баъзан «фалончи айтди» қабилида, сиз нафақангизни олиб юраверинг, бу ишларни бошқалар бажаради, деб қолишади. Шу билан иш ўнгланиб кетса кошкайди. Қаёда дейсиз? Ўртада муҳокамага ташланган тақлиф-мулоҳазалар (ислоҳотлар жараёни учун ўта мухим бўлса ҳам) ўлда-

1. Энг аввало, нафақа ёшини белгилашни бизнинг менталитетимиздан келиб чиккан ҳолда қайта кўриб чиқиши лозимга ўхшайди. Соглиги, иш қобилияти, мөхнат турларига қараб тоифалаштирган ҳолда пенсия ёшини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Эркаклар учун 63 ёки 65 ёш, хотин-қизларга эса 3 ёки 5 ёш нисбий ҳолда нафақа учун белгилаш;

2. Кўп йиллар масъул, жавобгар ва бурчли вазифаларда фаолият кўрсатилганлар учун алоҳида, маҳсус нафақалар тайинлашни табакалаштирган ҳолда амалга ошириш;

3. Сўнгги тақлиф: туман ёки туманлараро вилоят марказларида нафақаҳўлар учун маданий-маънавий (клуб шаклидами) уйлар курилиб, унда маслаҳат кенгашлари тузилиб баҳс-мунозаралар ўтказилиб борилса, айни муддао бўлар эди.

## ПЕНСИЯ ГУВОҲНОМАСИ



## Сизга қандай хизмат

курсатишмоқда?

# ЎЙИНГ ИССИҚМИ, БИРОДАР?!

– Бултур кишида газ масаласида муаммаларга дуч келгандик, бу йил эса уйларимиз иссик, овкат пиширишда ҳам кийналмаяпмиз, - дейди Жиззах вилояти Дастобод кўрғони Амир Темур кўчаси 9-йида яшовчи ўй бекаси Феруза Ашуралиева. – Газ босими яхши бўлганлиги сабабли хонадонимиздаги АГВ-80, ПГ-4 иситиш қозонларидан талаб даражасида фойдаланаяпмиз. Газ идораси билан тузилган шартномага мувофиқ ёкилги ҳақини вактида тўлаб бормоқдамиз.

– Маҳалламизда илгари газ босими паст эди. Шу сабабли оиласаримиз кийинчиликка дуч келишарди, - дейди «Нурафшон» маҳалласида яшовчи Ўрол Бобошев. – Республика мазмундаги фикрларнинг шоҳиди бўласиз. Ҳаққатан ҳам бу соҳадаги ахволни ўнглаш борасида Жиззах вилоятида кейинги пайтда олиб борилган саъи-ҳаракатлар ўз самараси бермоқда. Чунончи, 2005 йили кўшимча равишда 84 километрдан зиёд юкори, ўтра ва паст босимли газ тармоқлари тортилди. Шунинг ҳисобига қарийб 5000 хонадон табиий газ билан таъминланди ва ундан фойдалануви мижозлар сони 130 мингдан ошиб кетди. Бундан ташқари, 25 километрдан ортиқ газ тармоқлари сифатида таъмирдан чиқарилди. Юқорида таъкидланган чора-тадбирлар туфайли Мирзачўл туманидаги «Тошкент» хўжалиги, Фаллаорол туманидаги Ҳонимкўрғон, Жиззах туманидаги Фозонтепа қишлоқларини шундай ёқилги билан таъминлаш яхшиланди.

– Газ таъминотида ёқилгини етказиб берувчи ва таҳсиловчи қурилмаларнинг сифатли ишлари, уларнинг етарлича бўлиши алоҳида



аҳамиятга эга, – дейди «Жиззахгаз» худудий корхонаси директори Нурмуҳаммад Раҳматов. – Шуни ҳисобга олиб 2005 йили 364 та ГРП ва бошқа газ таҳсиллаш қурилмалари ўрнатилди ҳамда янгилари билан алмаштирилди.

Зарборд тумани газ идораси директори Эркин Ҳасанов, «Жиззахгаз» вилоят худудий корхонаси директори ўринбосари Дувлон Фармонов ва бошқалар билан мулокотда бўлсангиз, аҳолига ҳамда бошқа мижозларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида олиб борилётган ишлар ҳақида ўз фикрларини билдиришиб, айрим мuloҳазаларни баён этишида. Ҳусусан, техника хавфсизлиги мутахассиси Эргаш Холбўтаев кўйини шундай дейди:

– Газ таъминотини янада яхшилаш учун бундан кейин ҳам барча билим ва тажрибамизни ишга солаверамиз. Лекин айримларнинг эл мулкига бўлган муносабатларини кўриб, ажабланасан киши. Шу ўринда иккита муаммони тилга олмоқчиман. Газ кувурлари зангламаслиги, чирамаслиги учун маҳсус тутқичлар билан юқорига кўтариб кўйилади. Лекин баъзи жойларга борсангиз ана шу металл тутқичларнинг ўғирлаб кетилиб, кувурлар заҳ ерга ётқизиб кўйилганлигини кўрасиз. Бу кувурларнинг ишдан чиқишига олиб келади-ку, ахир?! Айрим газ таҳсиллаш қурилмалари – ГРПларнинг темир эшиги кўчириб олиб кетилганлигини кўрганинг таажжуубинг янада ошиди. Теваарофатдан боралар ўйнаб юришини, газ портлаш хавфига эга эканлигини назарда тутадиган бўлсанг, бундай бошбошдоқлик қанчалик қимматта тушиши мумкинлигини англаш қийин эмас. Биз қаерда фуқаролар билан мулокотда бўлмайлик, аҳолининг диккат-эътиборини ана шундай хавфсизлик мазалаларига қаратаяпмиз.

Эргаш аканинг жон койитиб айтган фикр-мuloҳазаларни ўринли. Ҳалқимиз қарс икки кўлдан чиқади, деб бежиз айтмаган,

Норкул  
МАМИРОВ

**Ўзбекистон — Ватаним маним!**



# ТОГЛАР ВА БОГЛАР ЎЛКАСИ... ЖОНАЖОН ЮРТИМ

**Бир катор хорижий элларда бўлганман. Бундан кирк йилча муқаддам гарбга йўлим тушганида, кечкурун уйкуга ётиб эрталаб уйғонганимизда, учта давлат худудини босиб ўтганимизни билиб, бошим котган. Ўтган йил эрта баҳорда ҳаёт тақозоси билан Термиз шахрига боришимга тўғри келди. Тошкентга етганимиздан сўнг у ёғига автобусда кетдик. Мен Ўзбекистонимизнинг шу қадар кенглигини хаёлимга келтирмаган эканман. Тонг саҳар Намангандан йўлга чиккан бўлсан, каторлашган юксак тоглар ва азим дарёлар оша эртасига шу вактдагина кўзлаган манзилимизга ётиб бордик.**

Тошкентдан чиққанимиздан сўнг Сирдарё, Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятларининг уфқа тушашган бепоён ерлари бўйлаб борақканмиз, юқорида тилга олинган хориж сафарларимиздан бирида, аниқроғи, Адриатика денгизи яқинидаги кўркм шаҳар Сараевода юз берган воеани алам билан эсладим. Денгизда чўмилиб, офтобда тобланиб ётарканмиз, маҳаллий йигитлардан бири қаердан эканлигимизни сўраб қолди.

— Ўзбекистонданман, — дедим. — Эшитганимисиз? Ўрта Осиёда мана шундай қадими юрт бор.

Суҳбатдошим билмаслигини айтиб бош тебратди. Бу менга малол келди. Шунинг учун тарихдан мисоллар келтириб, Ўзбекистон Темурйлар, Бобурийларнинг киндиқ қони тўкилган маскан бўлганлигини, тибиёт отаси Абу Али ибн Сино, осмон илмининг асосчилари Улуғбек ва Берунийлар шу ерда дунёга келганлигини ва яна бошқа қатор мисолларни айтиб, юртим таърифини келтиришга уриндим. Шунда чап биқиним ари чаққандек ачишиб кетди. Ёнгинамда, кумлоқда ётган Галина исмли қиз суҳбатдошимга сезиздирмайдиган тарзда кўзларини ола-кула қилди:

— Бу гапларинг учун жавоб берасан ҳали, тилингни тий, — деди илон вишиллагандек шивирларкан ва бошини кўтариб шеригимга — Иттифоқ ўн бешта қардош республикалардан ташкил топган. Ўзбекистон ҳам шулардан бири. Ва бош бармоғидаги тирноғини кўрсатди:

Айтишларича, Александр Македонский қатор шарқ мамлакатларини, жумладан қадими Туон ўлкасини забт этганида Фарона водийсидан қаттиқ қаршиликка дуч келган

гапни айтишга ҳақи бўлмаса?

Тун кўйнида соядек кўзга ташланадиган ва баҳайбат чўққилари юракка ваҳима соловчи қадими тоглар бўйлаб борақканмиз, Галина айтганидек «тироқдеккина» Ўзбекистонимиз накадар бепоён эканлигига иймон келтираман.

Тонг саҳар, кўш юқорида ташланадиган ва баҳайбат чўққилари юракка ваҳима соловчи қадими тоглар бўйлаб борақканмиз, Галина айтганидек «тироқдеккина» Ўзбекистонимиз накадар бепоён эканлигига иймон келтираман.

Хар вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари бўлади, дейдилар ва бу рост гап. Фарона водийсинга ўркизор ва олмазорлари эътиборингизни тортса, Тошкент вилояти қишлоқларига хос кўринишлар — токзорлар, кулунип ва сабзавот пайкаллари кўз олдимиздан кино тасмасидек ўтади. Сирдарё вилоятининг янги ўзлаштирилган майдонлари, қадимги қўрик ва бўз ерларда ташкил топган хўжаликлардаги қўлбона иморатлар, ниҳоят Жиззах чўли, ўзининг қизғиши тусдаги олтини билан жаҳонга довргу солиб келаётган бепоён Кизилкўм саҳро... Сал ўтмай, борликни тун пардаси қоплади. Кўзланган манзилимиз эса ҳали олис. Югославия сафаримиз чоғида бир кечада уч давлат худудини босиб ўтганимизни тагин эслайману Ўзбекистоним жаҳондаги анча йирик мамлакатлардан бири эканлигидан турур уйғонади.

Айтишларича, Александр Македонский қатор шарқ мамлакатларини, жумладан қадими Туон ўлкасини забт этганида Фарона водийсидан қаттиқ қаршиликка дуч келган

екан. Зоро, орадан неча асрлар кечгандигига қарамасдан хозирда ҳам бу гапларнинг тасдигига дуч келиш мумкин. Коносой шахридан кўшини Кирғизистон Республикасининг Олабуқа туманига чиқиб боришида, хозирги «Коносой оналар ва болалар» сиҳатгоҳи остоносида анча юксак Муғ тепалиги мавжуд бўлиб, унинг Намангандан вилояти қисмидаги ён бағирларидан, машҳур Хитой деворини эслатувчи ва бугунги кунда тош метинга айланган дебор қолдиқлари қад ростлашган.

Бундан 15 — 20 йил олдин Санкт-Петербургдан келиб илмий иш олиб борган олимларнинг таъкидлашларича, ушбу девор қолдиқлари босқинчилар томонидан бунёд этилган бўлиб, ўша давр иншоотларидан эсадлини. Адириллар тенасида ўн-ўн икки метрча кўтарилигандан эслатувчи ва бугунги кунда тош метинга айланган дебор қолдиқлари қад ростлашган.

Ярим тунда ўйкудаги маликадек мудраётган азим шаҳар Самарқандда ҳам узоқ тўхтамадик. Унинг осмонга бўй чўзган муассзам ва нақшинкор ёдгориллари қоронғилик кўйнида соядек кўзга ташланади. Дононлар уқтирганларидек, ўйку шундай бир синоатдирки, табиатда унинг комига тушмаган бирор жонзот топилмайди. Автомобилнинг бир маҳорати ҳаракати, ёнма-ён бораётган шерилларимнинг мудраши юқумли касаллиқдек таъсир қилди ҷоғи, кўзим ўйкуга илинганигини пайқамай колибман.

— Анавини қаранг, қорни кўринг, — умр йўлдошим Махфиратхоннинг овозидан ўйғониб кетдим ва шошиб дераза ортига қарадим. Борлиқ оплок қор билан қопланган. Автобусимиз чироги пайпаслаб бораётган йўл узра ёғаётган қор кўзни қамаштиради.

— Сув омбори бошланишида сал муддат тўхтаб, дам олиб овқатланамиз, — микрофон орқали ўзлон қилди ҳайдовчи.

Борлиқни қоплаган «ОҚ-намат» биз томонларда баҳор бошларида «ҳазилкашлик» қиласидан сарик қорга ўхшамасди. Водий табиатини кўзда тутиб, менга ўхшаб енгил кийингилар адабини ейишиди. Ўз шароитларини ҳисобга олиб, қалинроқ кийингилар ортидан эргашиб ва улар изидан қадам босиб ошхона биносига кириб олдик. Мезбонлар шинавандан эканлар. Ташқарида кабоб пишаштириб, ичкарида турли туман таомлар мухайё.

Ошхонада овқатланниб исини олгач, барчанинг кайфияти

осмон артилган шишадек топтоза, довондан ўтаётганимизда, юксак тоф чўққилари узра булатларди. Тошкент шахрига етганимизда қўёш чароғон нур сочайтган бўлса, Сирдарё вилоятига етганимизда кўк хира тортди ва Жиззах вилоятининг илгарилари одам юрса ёғи, күш учса қаноти куяди, деб таърифланган чўллардан ўтаётганимизда кўқда булатлар кўриниб қолди.

Жиззах чўлларининг ўрталарида автобусимизнинг радиатори қайнаб кетди ва ҳайдовчи сув янгилаш учун тўхтади. Кўпчилик пастга тушдик. Чигирткалар чириллаши ва катта йўлдан гоҳ-гоҳ ўтиб бораётган транспорт воситаларини демасангиз борлиқда жон асрати сезилмайди. Олис-олисларда кимдир унтиб қолдирган маржондек янги ўзлаштирилган ерларда ташкил топган хўжаликлар, қазиб олинаётган маъданларни қайта ишловчи корхоналарнинг электр чироқ-

кўтарилиди. Гоҳ у бурчакдан, гоҳ бу бурчакдан қах-қаха янграйди. Шу чоғ кимнингдир қўлида рубоб пайдо бўлди. Салгина аввал сувга тушган мушукдек мудраб кетаётган йўловчилар давра ҳосил қилишди. Орамизда туппа-тузуккина ҳофиз ҳам келаётган экан. Қаердандир аскиячилар хам пайдо бўлишди.

Мириқиб ҳордик чиқарип қайтадан йўлга тушганимизда қор янада қалинлашиб, ёғиши тагин ҳам тезлашган эди, кўз очирмасди. Довонга қўтариғанимизда, автобуснинг орқа фидираклари сирғалиб четга чиқиб кетди ва кўплашиб аранг йўлга чиқарип олдик. Борадиган манзилимизни аниқ билмаганимиздан қандай қилиб топиш ташвиши ҳозирдан бошимни қотирмокда эди.

— Хавотирланманг, домла, — деди менга кўшини ўриндиқда кетаётган йигит қўл силтаб. — Зарур бўлса, мен ўзим сизларни ўша жойга кузатиб кўяман. Колаверса, об-ҳавонинг бунақа тескари тўн кийишидан чўчиманг. Дарҳакиат, салдан сўнг табиат бутунлай ўзгариб кетди.

Ҳақиқатан шундай бўлди. Бир хил ўхшаш манзара, қор кўрласига бурканган тоф қоялари ва чўққиларини ортда қолдириб, қуйига, аргамидек чўзилган йўл бўйлаб тушаётганимизда, қор аввалига сийраклашди. Шошқалоқ баҳор кўкатлари, бойчечаклар кўзга ташланди. Саҳаргез қушлар тоф воидисида парвозд қилишар, хув нарида кимдир унтиб қолдириб оқмоқда, қиялларга мангу ям-яшил арчалар осилган эди. Кўшним хитоб қилди:

— Ана айтмовдимми, биз ёқларда аллақачон баҳор қулфуряпти деб.

Шеробод шахрига киравериша жигаргўшаларимиз кутиб туршишган экан. Улар билан тўйиб дийдорлашганимиздан сўнг, шаҳар айландик, бу ердаги ҳамкаслар билан танишдик, янги дўстлар ортириди. Сафаримизнинг учинчи куни таърифини кўп бор эшиганимиз Термиз шахри томонга қараб йўлга чиқдик. Йўлимиздаги жаҳонга Ҳадис илмининг билимдомни сифатида танилган буюк юртдошимиз «Ат-Термизий мақбараси» айниқса, бизда унтилмас таасусрот қолдириди. Юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор берилиб таъмирланган ва зиёратоҳга айлантирилган ёдгорлик чиндан ҳам буғунги кунда мусулмон оламининг табаррук қадамжоларидан бирига айланган. Зиёратоҳи киши ақлини лол қолдирадиган миллий аньанамиз руҳидаги нақшлар ва тақорламас безаклари билан ақлини шоширади. Ёдгорлик чеидан Ўзбекистон — Афғонистон чегараси бошланар экан. Бир-бир ярим ҷақирим кенглиқда йўилган Амударё ортида ҷафокаш ағон болалари мол бокиб юришарди.


Дарё қирғогида нақшинкор гиламдек ёйилган Термиз шахри сокин кўчалари, сершовқин бозорлари билан хотирамизда қолди.

Фарона водийсидан бошланган саёҳатимиз ўзбекистоннинг жанубий нуқтаси хисобланган Термиз шахрида ниҳоясига етди. Деярли бир ярим минг километрга чўзилган сафаримиз яқунланадиган эди. Қайси шаҳар ва қишлоқлардан ўтмайлик, саноат корхоналарида мехнат қилаётган, мол бокиб дехқончилик қилаётган ўзбек элатдошларимни кўрдик.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,  
«Ишонч» мухбари**

## Публицистика

# «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТИ КУН



**ДАСТУРИ  
30 ЯНВАР - 5 ФЕВРАЛ**

**ДУШАНБА, 30**

O'ZBEKISTON

- 6.25 Кўрсатувлар дастури.
- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 8.00-8.45 «Таҳлилнома».
- 8.45 ТВ анонс.
- 8.50 «Олтин мерос».
- 8.55 «Япониянинг ёввойи табиати».
- Сериал.
- 9.20 ТВ анонс.
- 9.25 «Камалак».
- 10.15 «Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала».
- 10.35 «Ватан ҳақида кўшик».
- 10.40 «Озод юрт фарзандлари».
- 11.00 «Ахборот».
- 11.10 «Шерюрак». Б/ф
- 12.35 ТВ анонс.
- 12.40 «Шерюрак». Б/ф
- 14.00 «Ахборот».
- 14.15 ТВ анонс.
- 14.20 Концерт.
- 15.10 «Тоҳир ва Зухра». Б/ф
- 16.40 ТВ анонс.
- 16.45 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
- 17.00 «Ахборот».
- 17.10 ТВ анонс.
- 17.15 «Равнақ» студияси
- 17.30 «Олтин мерос».
- 17.35 «Банк ва мизоз».
**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 априлидан бошлаб ўй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиши тўғрисидаги Фармонига биноан энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари берилб келинган эди.

2005 йилнинг 1 майидан бошлаб ўй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган микдорларда педагогик маълумотга эга бўлган педагог ходимларга иш ҳақига кўшиб берила бошланди. Сизнинг дипломингизда «физик» деб ёзилган, педагогик маълумотга эга эмасиз. Шу сабабли ҳам сизга компенсация берилмайди. Бироқ шу давргача берилб келинган пул тўловлари қайтариб олинмаслиги лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 279-моддасида «Иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан қонунни нотўғри кўллаш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмас. Ҳисоб-китобда йўл кўйилган хато оқибатидаги ортиқча тўловлар бундан мустасно» дейилган.

**Савол:** Мен 1996 йил феврал ойидан нафақага чиқканман. 1996 йилдан 2005 йилгача меҳнат қилдим. Шу йиллар учун пенсия қайта ҳисоблаш чиқариладими?

**Р.ҮРУНОВ,**  
Гузор тумани

**Жавоб:** Пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари Мехнат Кодексининг 49-моддасига биноан қуйидаги ҳолларда қайта ҳисобланади:

- пенсионер пенсия микдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишига бўлган меҳнат стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) кўшимча хужжатларни тақдир этган тақдирда;
- ногиронлик гурӯхи ўзгарганда;
- бокувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;
- энг кам ойлик иш ҳақи микдорлари ўзгарган тақдирда;
- миңтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг микдори ўзгарган тақдирда;
- даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганда тегишли муассасага мурожаат этишлари мумкин бўлади.

Мақоламизни мавзуга алоқадор бир воқеа билан бошлайлик. Ушбу сатрлар муаллифларидан бири бундан бир неча йил бурун Дўстлик туманининг илгор фермери Зайниддин Қаршиев ҳақида газетада лавҳа эълон қилган эди. Унда қархамонимиз тилидән айтиладиган мана бу жумла бор эди: «Она юртимизнинг ҳар гиёҳи, ҳатто, қамиши ҳам биз учун ардоқли». Лавҳани таҳир қилган газета ходими уни: «Биз яқинда қамишчилик бригадаси тузмоқчимиз. Ҳўжалигимизда бўлиқ ўсиб турган қамишларни ўриб, куриш қилаётган қишиларга сотамиз-да, фойда оламиз, ҳатто, бўйрачилкни йўлга кўйиш ниятимиз бор» тарзида «эпакага» келтирибди.

Зайниддин Қаршиев олдида ҳижлат бўлдик ва ўзимизни оқлашга ҳарват қилдик.

— Биз бундай деб ёзмагандик, — дедик унга. — Фақат тилингиздан «Юртимизнинг ҳар бир гиёҳи, ҳатто, қамиши ҳам ардоқли» деб ёзгандик, холос. Мақоламизни таҳир қилган ходим ўз армонларини тўкканми, ҳарқалай шундай деб ўзgartириб юборибди.

— Хечкиси йўқ, — деди у босиқлиқ билан. — Лекин ўйлаб кўрилса, бўлағиган нарса экан..!

Кўнглимиз бироз таскин топди, ҳижлатпазлиқ кўтарилигандай бўлди. Орадан мана, талай йиллар ўтиб ҳам кетди. Яқинда бир тутами бир боғлам бўлган қамишларнинг Жиззах, Гулистан ва Самарқанд шаҳарларида 200-250 сўмдан сотилаётгани гувохи бўлдигу беихтиёр ана шу бир неча йил бурунги воқеани эсладик. Қаранг, «қамиш» дегани ҳам беҳисоб бойлик экан, билмай юрган эканмиз-а?! Ўша номаълум ходим мақоламизни билиб таҳир этган экан-да. Узокни кўрган экан.

Биз болалигимизда бозорларда бўйра сотиб ўтирган хунармандларни кўп кўрганимиз. Бўйранинг харидори кам эмасди ўша йиллар ҳам. Яна шуни эслаймизки, ўша пайтларда қишлоқлардаги (шаҳарда ҳам) кўпгина хона-донларда гилам, шолча ва бошқа тўшанчилар тагида албатта бўйра бўларди. Одамлар бўйра тўшалган ўйга газандалар кирмаслигини айтишарди. Қолаверса, асрлар давомида қад ростлаб турган Самарқанду Бухоро, Хива-ю Шархисабзаги тарихий обидалар пойдеворига қамиш ва ахриқ ташланганини кўплар билишмайди. Шунингдек, Москва Кремли пойдевори тагига ҳам тоғтерак (осина) ётқизилганки, буни билиб кўйсак, зиён кўрмаймиз.

Мирзачўл ва Жиззах даштлари ўзлаштирилмасдан илгари бу худудда қамишлар ўсмаган. Йиллар ўтиб,

дренаж – зовур тармоклари ишдан чи-киши, ер ости зах сувларининг юкори-либ, экинзорлар мелиоратив аҳволи-ёмонлашуви оқибатида ҳозирги пайтда Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг чўл туманларида қамишзорлар тобора кўпай-моқда. Тўғри, фермерчилик ҳаракатининг ҳозиргидай тез ривожланиши аста-секин бу ҳолга барҳам беради, улар ўз ер майдонларини мелиоратив жиҳатдан яхши-лайдилар. Бироқ, шунгача ҳали бир неча йил бор.

«Ҳар касофатнинг бир шарофати ҳам бор» дейишади. Шундай экан, Мирзачўл ва Жиззах даштларининг баъзи майдон-

олиш ва истиро-хат боги, Арнасой тумани марказида «Чинорзор» ёш-лар ҳиёбони барпо этилди.

Ҳозирги пайтда «Мингчинор»дан бир чинор ҳам қолмаган. Сизот сувининг кўтарилиши, қаровсизлик туфайли йўқ бўлиб кетди. Арнасойнинг «Чинорзори» катта ариқ бўйида ва кўпгина тантана ҳамда тадбирлар шу гўшада ўтказилиши сабабли ҳамон яшнаб, кўкка бўй чўзиб турибди. Лекин ана шу «бўйга» ҳам кўзлари тегаётган кимсалар гоҳ-гоҳида учрамоқда.

## МАВЖАНАДИ ҚАМИШЗОРТИНМАЙ...

Сўнгги пайтларда уларни «зараарли да-рахт» деб, ажабтур қўариб турган чинорлар танасига болта ураётган азаматлар ҳам йўқ эмас. Уларга қолса, чинорларни йўқотиш керакмиш. Агар бундай болта кўтарган кўлларни тутмасак, Тошкентнинг Амир Темур ҳиёбонидаги, Самарқанднинг Абрамов бояидаги, Андижон-у Фарғона хиёбонларида чинорларни ҳам қирқишилдир. Биз чинор экинг, кўпайтиринг, деб ташви-қот қилмоқи эмасмиз. Лекин ўсиб турганларни сақлаш, токи улар ёнида бошқа дараҳтлар ўстириб, камол топтиргунча болта урмасликни илтимос қилмоқчимиз.

Юқорида чинорлар куриётганининг сабаби сизот сувлари кўтарилиши эканнiga шама қилдик. Дарҳақиқат, Сирдарё, Жиззах ва бошқа вилоятларда ҳам кўплаб қайрагоч, қарағай сингари дараҳтлар ерости сувларининг кўтарилишидан, зааркунанда ҳашоратларга қарши ишланмаслигидан нобуд бўлмоқда. Сўнгги 5-6 йил ичидан мавжуд ихота дараҳтзорларининг қарийб 40-50 фоизи йўқ бўлиб кетди. Агар аҳвол ҳозирги давом этса...

Хўш, нима қилмоқ керак? Бу борада ҳам аждодларимиз донолиги қўл кела-ди. Бурунги йилларда ҳар бир мадраса

ва масжид олдида 2-3 тупдан балхитут, шотут, марваридут экиши расм қилишган. Сабаби, ҳар туп тут 20-22 квадрат метр жойни тап-такрон қилиб, биноларни захлаш, нурашдан саклаган. Шундай экан, юртимизнинг чўл туманларида сизот сувлар кўтарилаётган худудларида тут ўтказиш кони фойдадир.

Тут – сувсизликка ҳам, шўрга ҳам чи-дамли. Меваси инсоннинг кўплаб дар-дига даво. Баргларини бирварақай тўкиб, чорва учун яхши озуқа бўлади. Ипакчилик хом ашёси ёки ихота дараҳти сифатида ҳам бебаҳо эканини барча билади.

Дарвоже, мавзумиз яна ихотага бу-рилди-я? Чўлдаги ихота дараҳтлари ум-рини яшаб, эндилиқда жуда кўп қовжи-раган ёғочлар сўппайиб турибди. Пахта пайкаллари ва бүгдойзорлар четидаги қайрагочлар заарларни ҳашоратларга қишилов маскани бўляяпти. Лекин тупрокни эрозиядан саклаш, емирилиши олдини олиш, шамол ва гармселлар йўлини тўсиш учун ихота дараҳтлари керак-ку?! Энди нима қилиш керак? Ихотабол ма-халлий дараҳтлар борми?

Ха, бор! Терак экилса ҳам, тол экилса ҳам бўлади. Агар жийда экилса, нур устига аъло нур! Жийда ниҳоятда кулагай ўсимлик бўлиб, уруғдан ҳам, қаламчасидан ҳам қўкараверади. Бунинг устига у шўрга ниҳоятда чидамли. Зовўрлар че-тида жийданинг тўп-тўп бўлиб ўсиб тур-ганини, мевалари ўзи етилиб, ерга тўкилиб ётганини кўрганмиз. «Шифобахш неъматлар» китобида ёзилишича, унинг танаси қаттиқ бўлгани учун ҳам яхшиги на куриши материали бўлиши ҳам мум-кин. Мевасида эса бўй ўстиручи фер-мент бўлганлиги сабабли ниҳоятда фой-дали. Бундан кўриниб турибди, жийда ихота учун хизмат қиласидан ажойиб дараҳтдир. Келинг, пахтазор ва бүгдой-зорлар четидаги қайрагочлар ўрнига жийда экишини бошлаб юборайлик. 3-4 йилда ёқ дараҳтлар вояга етиб, яхшиги на ихоталар хосил бўлади. Албатта, бу ишни «ур-ҳо-ур»чилик билан эмас, ақл ва тадбир билан амалга ошириш керак.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,  
Норбой ЖИЯНОВ**

**Таҳририятдан:**  
**Журналистлар – орзуманд ҳалқ.**  
**Улар ҳамма нарсани гўзлликда, уй-гунликда кўргилари келади. Муаллифлар билдириган фикрларда «жон» бордай. Бу ҳақда чўлдаги раҳбарлар ўйлаб кўришса фойдадан ҳоли бўлмасди.**

## Алҳазар!

да фош этишга муваффақ бўлдилар.

Бир инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон йигитчанинг кўли қонга ботди. Нафс ўлсин. Атиги иккиге минг сўм пулу эски радиога икки тақдир алмашинди. Арзимас бу матохларни Евгения Югай шундок ҳам Константининг бериб юбориши мумкин эди. Аммо инсонийликни унутган, кўзи қонга тўлган қотил бу йўлдан бормади.

Хўш, ёш йигит нега йўлдан тойди? Уни бу кабиҳликдан қайтара оладиганлар бормиди? Энг аввало, оилавий мухитдаги бепарвонлик асло оқлаб бўлмайди. Чунки хонадон катталари ақлу-хушини йигиб ололмаган, бирор ишнинг этагини тутмаган Константинни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Қолаверса, унинг туриш-турмушига мансуз бўлган ака ўз ташвишларидан ортмаган. Қўй, дейдиган хўжа бўлмагач, катталар назоратидан ҳоли йигит билганича дайдиб юрган. Мана оқибати. Ҳатога йўл кўйиб ҷоҳга қулади. Афсус-надоматдан эса энди фойда йўк.

**Н.ШАМСИЕВ,  
«Ишонч» мухбири**

## ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз пойтакти билан Фарғона водийси ўтасида «Тошкент-Андижон-Тошкент» йўловчи поездининг катновини мунтазам йўлга кўйди.**

Компания матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум килишларича, Марғилон орқали қатновчи 659-660-йўловчи поезди ҳар куни соат 18:20 да Тошкентдан водийга жўнаб, соат 11:05 да Андижонга етиб боради. Андижондан шу кун соат 16:45 да йўлга чиккан поезд эса Тошкентга соат 9:20 да кириб келади.

Яқиндагина капитал таъмирдан чиқарилган Тошкент темир йўл вокзалида замонавий кутиш залларининг эшиклари йўловчиларга очик. Мунтазам қатнаётган поезд вагонларида сафар учун барча шароит мухайё. Қайноқ чой, қахва, шинам купелар, малакали вагон хизматиларининг йўловчилар хизматига шай туриши учун компания жамоаси барча имкониятни ишга солмоқда. Поезд бир вақтнинг ўзида 900 нафаргача йўловчига сифатли хизмат кўрсатади.

Мол-дунёга хирс кўйиш та-наззул бошидир. Ҳомсугт эмган бандамиз-да, ошиб-тошиб кетгимиз келиверади. Ҳали ўн еттига ҳам кириб улгурмаган Константин Кимни ҳам бебошлик кўчасида тентиратган ана шу хис бўлди. Аслини олганда Константинни тергаб йўлга солувчи, унинг хулқ-атворидан боҳабар бўлувчилар ўз бурчларини унтишиди. Она, ака, опалар мўмай пул топиш илинжиде Россияя жўнаб кетишиди. Ҳаёт синовлари олдида довдиган Константин бир акаси билан Сирдарё туманинг «Шоликор» хўжалигига яшаб қолди. Ўқишига бўйин ёр бермади. Бирор юмуш этагини тутишга ҳафсала йўқ. Аммо пул керак. Аро йўлда қолган ўсмирни гоҳ соғинч ўртаса, гоҳ шамол ўсиб турган ҳамён ташвиши кийнарди. Шу кишлоқда Евгения Югай деган оқкўнгил ёлғиз кампир ҳам яшарди. Мусичадек беозор қария сира тиниб-тинчимасди. Ёлғизлиги боис ўйда ўтиrolmas, аксарият вақтни хўжалик марказида ўзи ишлаётган билярхонада ўтказарди. Евгения Югайни яқиндан билган Константин уни бой-бадавлат, деган хаёлга борди. Мўмай пулни кўлга киритса, Россияя онаси олдига жўнаб қолиши ҳам мумкин.

## ИККИ МИНГ СўМ ВА ЭСКИ РАДИО уларни ўй эгаси шундок ҳам ўрига бериб юборган бўларди

эҳтимолга қарши кўлга белку-рак солини олволган ўсмир қария бисотини титкилашни бошлаб юборди. Аммо не қурғиликни, хонадонда кўлга илингудек нарса топилмай, фи-ғони кўкка ўрлади. Ўғри бариди-бир ўғри-да. Эски радио ва иккита колонкани ғойшабга ўраб, жуфтакни ростламоқчи бўлганда, қарангки чойшаб тагидан яшириб кўйилган иккиге минг сўм пул ҳам чиқиб қолди. Аммо шу пайт бехосдан эшик очилиб, Евгения Югай кириб келади.

Таниш-нигоҳу, таниш чехралар бир зум тўқнашди. Қария нима гаплигини англаб етмас-даноқ Константин кутириб

ошпичоқ билан кампирни бўғизлади... Шум хабар эрта тонгдан бутун «Шоликор» хўжалигига ўйилди. Қимдир Евгения Югайни бўғизлаб кетибди. Константин ҳам бу хабарни ҳайратомуз қабул қилди, албатта. Сирда-рёлик ҳуқуқни мухофаза қилувчи идоралар вакиллари оёққа турди. Жиноят тафсилотлари миридан-сиригача ўрганилди. Даилий ашёлар суд тиббий экспертизасидан ўтказилди. Бармоқ излари олинди. Кўп ўтмасдан қилни қирқ ёрувчи идора, вакиллари қотиллик Константин Ким томонидан содир этилганлигини қисқа фурсатлар-

да шоғибати. Ҳатога йўл кўйиб ҷоҳга қулади. Афсус-надоматдан эса энди фойда йўк.

# АРМОНГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

(вокеий ҳикоя)

Үшанды ёш бола эдик. Кышлек бўйлаб, Ҳалимнинг дадаси хотини Ҳадича холанинг калласига ўроқ санчиб, ўлдириб қўйибди», – деган гап тарқалди. Ҳаш-паш дегунча Ҳалимнинг уйи ари уясидек тўзиб кетди. Бир томонда милиция ходимлари, бир томонда оқ халат кийган шифокорлар дам-бадам хушидан кетиб қолаётган азадорларга ёрдам берарди. Қышлоқнинг катталари тушдан кейинга белгиланган таъзияга тайёр гарлик кўришарди. Биз эса унинг уйи атрофидаги қўрадан қўрқа-писа мўралашга ярардик холос.

Одилжон ака билан Ҳадича хола бир амаллаб рўзгор тебратишар, туну кун хўжалик даласида кетмон чопиб, бир амаллаб кун кўраётган Одилжон ака эрта баҳордан ҳовли ўртасига бир уй дахлизи билан куришга киришган бўлиб, ёнига кириб қолган болалари билан гувала куйиб, уйни томини ёпиб олишганди. Сув келса симириб, тош келса кемириб яшашига, борига қаноат қилишга одатланган Ҳадича хола ҳам камсукум ва меҳнаткаш. Эрини ёнида тиним билмай уймалашгани-уймалашган эди. Айниқса, биринкетин ёнларига кириб бораётган фарзандларини кўриб, эру хотин беҳад шодланар эдилар.

Бир амаллаб томи ёпилган уйни лойсувоқ қилиш вақти келганда, Одилжон ака ўлашиб қолди. Бу юмуш унинг қўлидан келмайди. Хотини билан маслаҳатлашиб, ёзи билан емай-ичмай топгани – ягона қўйни сотиб, пулига уста боқиши ва уста пулини беришга келишди.

Кўшни қышлоқдан устани ҳам топди. Надимбой деган ўрта ёшлардаги киши эрта тонгдан келиб иш бошлади.

Фоятда сергап ва ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган Надимбой ака чиндан ҳам ўз ишини устаси эди. Табиатан индамас Одилжон акага унинг айрим ҳазиллари қаттиқ ботар, лекин иши тушиб турғанилиги учун ҳам индамасди. Қунлар шу зайдада ўтиб борар, сувоқдан чиқиб бораётган уй чирой очарди.

Шундай қунларнинг бирида, тушлик қилиб ўтирган устанинг шумлиги тутиб, ғалча тилига эрк берди.

– Бу дейман Одилжон, хотиндан хўб ёлчиган экансану, лекин хотинингни қадам олиши бежорок-да, – деди қувлик билан.

Одилжон ака хўриллатиб ичаётган шўрвасини дастурхон четига қўйганича устага тикилди. У эса унинг ҳолатига парво қилмай гапида давом этди.

– Хотининг бошқачароқ бўлиб қолганини наҳотки сезмаётган бўлсанг. Бу ўзгариши шундан ҳам билса бўладики, мени косамга ҳар куни икки бўлакдан гўшт солиб, сеникига битта гўшт солаяпти, – деганича муғомбirona тиржайди.

– Одилжон аканинг нафаси ичига тушиб кетди. Мисига қон қўйилди. Ўз косасидаги кичкинагина гўштга термулиб, терга ботди. Наҳотки шунча йилдан бўён бирга яшаб, бор-йўғига қаноат қилиб келаётган хотини шундай қилиши мумкин!

Унинг ҳолатини кўрган Надимбек уста қотиб-қотиб кулди. Ўзининг қўпол ҳазилини ювмоқчи бўлиб кўп уринди. Лекин ғишт қолипдан кўчган, Одилжон аканинг юрак бағри куйиб адо бўлганди.

Уйи битаётганидан хурсандлигини яширмай, аллақандай ашулани хиргойи қилганича қозон-товоқ ювиб юрган Ҳадича хола кейинги қунларда чиндан ҳам устанинг косасига иккитадан гўшт солаётганди. Сабаби, унинг иши маъкул кел-

ди, бунинг устига уста, деган номи бўлса...

Уста кечга томон уйига кетди. Лекин Одилжон аканинг бағридаги куйик кучайса қуяядики, сира босилмади. Бутун борлигини қамраб олган алам алангасидан кўр бўлиб қолган Одилжон аканинг кўлига қаердандир ўроқ илишди. Шу пайтда унинг кўзига хеч нарса, ҳатто 8 нафар фарзанди ҳам кўринмай қолди. Тандир ёнида қўймаланинг юрган хотини олдига бориб қолди ва ғазаб билан хотинининг бошига ўроқ санчиди. Ҳадича хола оҳ, деганича қонга беланиб, тандир ёнига чўзилди. Унинг сўниб бораётган кўзларида «гуноҳим нима эди» деган савол қотиб қолди.

Қишлоқ ахли Ҳадича холани қайғу-алам билан дағн этди. Одилжон ака суд ҳукми билан қамалиб кетди. Уларнинг ортидан қолган 8 нафар норасидалари тақдирли гумонлар ичра гумон бўлиб, паркандалика юз тутди. Ота-она меҳрига зор бўлган фарзандлар ҳам турли касалликлар билан оламдан ўтишли.

Эндилика қишлоқ ўртасида колган тенгдошим Ҳалимларнинг уйи чала биттанича, ҳаробага айланниб, ҳувиллаб ётиби. Бу ерда қочонлардир болаларнинг қувноқ ва шодон кулгулари янграганига, ўзларининг камтарона ҳаётларидан мамнун бўлиб, бир оила яшаганига ишонгинг келмайди.

Кўшни қишлоқлик Надимбой уста ҳам узок яшамади. Йил ўтмай, дард уни ёстиқка михлади. Бутун танасини оқ доғлар босиб, туни билан чираб бўлмас оғриқ ва азоблар ичидаги яратган эгамдан дардига ва қилган гуноҳига енгиллик беришини сўраганича, оламдан кўз юмди. Айтишларича, жони узилар чоғида ҳам Одилжон ака ва Ҳадича холарнинг руҳларидан қайта-қайта кечирим сўраган экан.

Болалик хотираларимга ўрнашиб қолган ушбу воея, бемаъни ҳазил ва тил заҳридан жуванмарг бўлган тенгдошим Ҳалим ва унинг оила аъзолари ҳақидаги ўйлар ботбот ёдимга тушади ва эй хом сут эмган банда, суюксиз тилингта, кўринмас дилингта эҳтиёт бўл, ҳар не келса, тилингдан кўр, – дегим келади.

**Абдувоҳид КОДИРОВ,  
АСМ ходимлари касаба  
уюшмаси Бувайда  
тумани Кенгаши раиси**

– Ким билади дейсан. Олти ойлик иш ҳақимиз турибди-ю.

– Ҳом ашё обкелишибидими?

– Олиб келишибилти. Фақат ҳақини

ни у ёққа, бу ёққа уриб кўрди. Кейин ҳалиги латифадагига ўҳшаб кўниди, шекилли-да.

– Қанақа латифа?

## «ЭГИЗАК»ЛАР

тўламаганимиз учун электрни узиб кетишибди. Яна бекор ўтирибмиз.

– Э-э, қўявер. Иш ҳақини топиб беришса бўлди-да. Бекор ўтириш янгилик эмас-ку.

– Мастер ёрдамчиси битта ғилдиракни олиб чиқиб кетаётбўлиб қўлга тушиб қолганди-ку. Ӯшанга чора кўришилти.

– Шунақа бўлгандими. Эсимда ўйқ экан. Қандай чора кўришиди?

– Коровулни ишдан бўшатишиди.

– Боплашибди. Битта эски ғилдиракка ҳам шов-шув қилган бўлса ўзи-дан кўрсин. Ҳалиги бизда маош берилмайдиган таътилга чиқарилганлар қайтишмаяптими?

– Бе, қаёқда. Яна бир неча кишини ўшанақа таътилга чиқаришмоқчи.

– Бошлиғимиз бирор чорасини топмаяптими-а?

– Э-э, у ҳам янги ишга келгандан ўзи-

### (ҳожвия)

– Ие, эшитганинг йўқмиди... Мана унда... Бир айборни ўлимга ҳукм қилишибди. Дорга осиш учун олиб кетишаётгандага «дод» деб, аюҳаннос солиб ҳаммаёни ларзага келтирибди. Буни эшитган подшоҳ ҳукм ижросини бир кунга кечитирити. Эртасига яна бир кишига ўлим жазоси берилити. Жаллодлар иккаласини дор томонга олиб кетишаётса кечаги додвой килган одам бемалол атрофни то-муша қилиб кетаётган эмиш. «Кечадод солиб ҳамманинг кўнглини бузувдинг, бугун бошқачасан. Эсингдан чиқдими, сени ўлимга олиб кетяпмиз», дейишса, «нима қипти, ўладиган битта мэн эмас – анави ҳам бор-ку!» дермиш ҳалиги одам.

– Маҳсулотларимиз омборхонада тўпланиб қолди, дейишаётганди. Енгиллаб колгандир?

## Назм бўстонида

# ҲАЁШ ФАЛСАФАСИ

Куёш беркинмайди булут ортига,  
Сабаб йўқ қуёшга беркинмоқ учун.  
Нега ҳам беркинсин, кимдан ва нега,  
Виждони олдида пок ва бус-бутун.

Шунчаки, булут гоҳ жунбушга келиб,  
Зиё йўлларини тўсмоқчи бўлар.  
Не қилсин бечора, тўрт томон елиб  
Шамол йўриғидан чиқолмаса гар?

Ҳаёт фалсафаси эҳтимол шудир,  
Зўрдан зўр чиқмаса тегирмон юрмас.  
Кимдир олисларга сочар нур, кимдир  
Бурнининг тагидан нарини кўрмас.

Ажабланма гар панд берсалар,  
Хиёнат ҳам оддий ҳол бу кун.  
Агар дўстлар содик эрсалар  
Ҳасратингдан чиқмасди тутун.

Энди кимга қилмоқчисан арз,  
Душмангами, дўст тутиб уни.  
Дўст ёлчитиб қайтармаган қарз  
Қолармиди душмандан униб?

Олма тушар олма тагига ҳаргиз,  
Нок таги нок учун тайёр поёндоз.  
Аммо ажабланманг ёнғоқ кўрсангиз,  
Бу ишдир қарға-ю загизонга хос.

Нафс бир балодир, тик турмас бўш қоп,  
Ёнмас ёғ бўлмаса шамдонда пилик.  
Гар иймон оғринса йўқолур инсоф,  
Оддий ҳол туюлур ҳатто ўғрилик.

Муттаҳам бўл, майли,  
Ўғри бўл,  
Қаззоб,  
Қайга ҳам борардинг тақдирдан қочиб.  
Фақат қўй, индама,  
Қўзғар изтироб  
Софлик, ҳалоллиқдан турсанг сўз очиб.

Ана, тайёр ўлжа, шилиб кетавер,  
Устидан магзава ағдар, истасанг.  
Ажаб, манглайнингдан чиқмас томчи тер,  
Эриб кетса ҳамки ўрнингда харсанг.

Ош бўлсин,  
Тумшукдан илингунча то,  
Топганинг тўйларга буюрсин, майли.  
Фақат бир илтимос,  
Ҳалоллик – Худо,  
Унга гард юқмасин Шайтон туфайли.  
Зайниддин РИХСИЕВ

– Галирасан-да?! Илгари олиб кетилганларини ҳам сифатлизиги, хардоргир эмаслиги учун қайтариб келишапти.

– Корхонамизда ишни ташлаб бозорга чиқиб кетганлар қайтишмаяптими?

– Каёқда дейсан. Яна қанчаси чорбозчилар сафига кўшилишиди.

– Ишқилиб Каримберди ака ишга чиқиб турибдими?

– Қанақа Каримберди? Бизда унақ одам йўқ-ку.

– Ҳазилингни қўйсанг-чи, Абдували.

– Мен Абдували эмас, Ботиржонман. Нима бало, адашибиз шекилли...

Тут-тут-тут.

Буни қаранг, ишхонамга кўнгироқ қилиб, бутунлай бошқа жойга уланиб қолибман-а.. Кўр кўрни қоронгида топгандай гапимиз мос тушиб турганини айтинг. Бир латифа эсимга тушиб кетди.

Бир одам иккинчисидан сўрапти:

– Каёрда яшайсиз?

– Бошпанам йўқ, ҳали у ерда, ҳали бу ерда кун ўтказаман.

– Қаранг-а, қўшни эканмиз-у, – дермиш ҳалиги одам.

Шунақа гаплар... Муаммоларимизни-ям «эгизак»лигини қаранг-а?

**Ҳабиб СИДДИК**






Ҳаммага яхши маълум бўлган «Дунёнинг етти мўъжизаси» ибораси аниқ ва тўла маънога ҳамда гаройиб тарихга эга. Бундан икки минг йил аввал жаҳондаги ажойиб иморат ва курилишлар тўғрисида маҳсус рўйхатлар тузиш анъанага айланган эди. Уни тузишда кўпгина таникли тарихчилар, ёзувчи ва археологлар иштирок этган. Қадимги дунёдаги машҳур бўлган айрим меъморчилик ва ҳайкалтарошлиқ обидалари ўрганилиб, уларнинг улканлиги, катта маҳорат билан яратилганлиги, жозибадорлиги туфайли асрлар мобайнида мўъжизакор, деб ҳисобланган. Шуниси диккатга сазоворки, ҳар бир муаллиф одатда еттита, аммо кўпинча ҳар хил объектни таклиф этган. Ҳозирги даврда ҳамма томонидан тўла, яъни консенсус асосида эътироф этиладиган етти мўъжиза милоддан аввалги 120 йилда юнон шоири Антипар Судонский томонидан тузилган бўлиб, улар қуйидагилардир: 1) Миср эҳромлари; 2) Семирамида осма боғлари; 3) Эфес (Радос ороли)даги Артемида ибодатхонаси; 4) Зевснинг Юнонистоннинг Олимпия шахридаги ҳайкали; 5) Галикарнасдаги мавзолей; 6) Родосский ҳайкали; 7) Искандария (Александрия)даги маёқ.

Шуниси диккатга сазоворки, бу обидалар географик жиҳатдан Ўрта денгиз-нинг шарқий қисмидаги худудларга тегишли, аммо давр нуқтаи назаридан тури-тумандир. Етти мўъжизанинг биринчиси деярли беш минг йил илгари бунёд этилган. Миср эхромларидан кейинги ўринга кўйилган осма боғлар милоддан аввалги VIII асрда пайдо бўлган. Кейинчалик ҳар асрда Артемида ибодатхонаси (м.а. VII аср), Зевс ҳайкали (м.а. V аср), Галикарнас мавзолейи (м.а. IV аср) ва деярли бир асрда (м.а. III аср) Родосский ҳайкали ва Александрия маёки яратилган.

**Фаройиб томони эса шу еттита мұйжизадан фақат биттаси – Миср әхромлари ҳозиргача сакланиб қолған, бошқалари эса йүқ бўлиб кетган.**

Хозиргача сақланиб қолған обида — **Миср эхромлари** энг қадимий бўлиб, йўниб тайёрланган катта тошлардан пирамида шаклида қурилган қадимги фиръавнларнинг мақбаралари-дир. Миср пойтахти Коҳира шаҳ-

мүмкин. Юнон тарихчиларининг кейинги тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бу боғларнинг пайдо бўлиши ва Оссурия маликаси Семирамида (Шаммурамат) номи билан боғланиши тарихий ҳақиқатдан йироқдир. Бу боғлар



ри қаршисида Нил дарёсининг қирғоғидаги Гиза қадимги қабристонидаги бу пирамидалар саноқсиз туристларнинг севимли жойи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг энг йириги Хеопс эхромидир (баландлиги 146,6 м, асоси квадрат шаклида 233x233 м). Бу эхром ҳар бири 2,5 тонналик 2 миллион 300 минг блок билан (баъзи қисмларида 30 тонналик блоклар ҳам бор) 30 йил мобайнида курилган, қабрдан ташқари 2 қаватли ибодатхонаси ҳам бор. Эхромнинг умумий оғирлиги 5,7 миллион тонна. Тошлар ўз оғирлиги асосида турғун, ҳеч қандай боғловчи қоришмалардан фойдаланилмаган, энг муҳими, бу тошлар бирбири билан шунчалик зич жойлаштирилганки, улар орасида пичоқ тифи сифадиган жой ҳам топиб бўлмайди. Бу эхромлар бизни ҳалигача ўзининг савлати (баландлиги бўйича 4 минг йил ичида энг баланд иншоот бўлган), қадимги қурувчиларнинг меъморчилик соҳасидаги фантазияси, қурилиш технологиялари ҳалигача ҳаммани лол қолдиради. Бронза даврида яшаган бу халқ қайси қурилмалардан фойдаланиб, шундай улкан тошларни кесган, силликлаган, энг муҳими қандай кўтариб, идеял геометрик шаклда текис ўрнатганилиги ҳали ҳам жумбок бўлиб келмоқда.

**Семирамида осма боғларни** (етти мўъжизанинг иккинчи си) Қадимги Бобил давлатининг турори хисобланган, унинг ҳаробалари Ироқ пойтахти Богдоддан 90 км узоқликда сакланган. Бу боғларниң қанчалик гўзал бўлганлигини, улар тўғрисида ги ёзма манбалардан билиш

аслида анча кейин Бобил ҳукмдори Навуходоносор буйруғи билан (м.а. VI асрда) вужудга келган. Мамлакатнинг ҳамма чеккаларидан турли-туман дараҳтлар кўчати, камёб ўсимликлар, ўтлар, уларнинг уруғлари олиб келинган ва экилган. Осма боғлар террасалар (қават-қават) шаклида 4 ярус-қатор қилиб барпо қилинган. Энг юқори терраса ердан 40 метр баландликда жойлашган. Ҳар бир терраса асосида йирик тош плиталари асфальт билан тўлдирилган қамиш қатлами бўлган. Унинг устини гипс билан бирлаштирадиган 2 қаватли фишт қатлами қўйилган. Ундан кейин сувни ушлаб қолиш мақсадида қўрғошин пластиналари жойлаш-

ми, меъморчилик ечимларига эмас, балки тарихи ҳам ниҳоятда ажойибdir. Бу ибодатхонанинг пайдо бўлиши шундай одамларга хоски, улар инсоният учун салбий ҳислатларга эга. Лидиянинг сўнгти подшоси Крез шу ибодатхонага асос солган ва тарихда тўплаган ниҳоятда катта мол-мulkи жиҳатидан бойликка хирс қўйган инсон тимсоли ҳисобла-нади. Бу ибодатхона икки юз йилдан сўнг эса эфеслик Герострат томонидан ёкиб юборилган. Агар Крез бойлик тўплашнинг салбий тимсоли бўлса, Герострат образи эса номини тарихда қолдириш учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган одамлар учун «мисол» бўла олади.

Ибодатхона эса катталиги жи-  
хатидан оламга машхур бўлган,  
кейинроқ қурилган Афинадаги  
Парфенондан анча улкан бўлган,  
унинг қурилишида классик (на-  
мунавий) усуллар кўлланилган.  
Аммо масштаби катта бўлишига  
қарамасдан, енгил кўринган ва  
ниҳоятда гўзал эди, устунлари оқ  
мармар тошлардан ниҳоятда чи-  
ройли қилиб ишланган.

**Зевснинг Юнонистоннинг  
Олимпия шахридаги ҳайкали**  
(етти мўъжизанинг тўртинчиси)  
муаллифи таникли, қадимги юнон  
ҳайкалтароши Фидий бўлган ва  
тажминан милоддан аввалги 430  
йили курилган, олтин ва фил су-  
ягидан ишланган. Бу ҳайкал  
Олимпия ибодатхонасининг нихо-  
ятда йирик залида, қадимги юнон-  
ларнинг бош худоси Зевс кўмил-  
ган ва унга бағишлаб ўтказила-  
диган Олимпия ўйинлари жойида  
ўрнатилган эди. Бу ерда қадимги  
юнон жамияти ҳаётида дин, санъ-  
ат ва спорт ўзаро уйғунлашиб кет-  
ган эди.

Баландлиги 14 метрли Зевс-худо олимпия ибодатхонаси даги таҳтда ўтирган ҳолда бунёд этилган ҳамда олтин, фил суюги, қора дарахт ва қимматбаҳо тошлардан ясалган. Бу буюк фигура асосида ёғоч каркас (синч) турган. Фил суюгидан иборат пластиналар унинг териси сифатида, олтин листлар эса унинг кийими шаклида ясалган. Зевснинг бир қўлида ғалаба худоси қанотли Никанинг олтин маъбудасини ушлаб турган, иккинчи қўли эса бургутли Скипетр (салтанат хассаси)га суюнган. Бу ҳайкалнинг мўъжизакор томони шундаки, кузатувчилар «Зевс мана ҳозир ўрнидан туради-ю, маъбудани кимгадир топширади» деган хаёл бўлган.

Хайкал саккиз аср мобайнида маъбудага келганларни ҳайратга солиб турган. Кейинчалик уни Константинопол (ҳозирги Истамбул)-га кўчирилган ва мелодий V асрда ёнғин туфайли йўқ бўлган. Жаҳон футбол чемпионатида голибга ана шундай Ника қубоги топшириларди.

### **Галикарнасдаги мавзолей**

# **ДҮНЕНИНГ ЕТТИ МҮЙЖИЗАСИ**

оқибатида қулаган ва тизза ба-  
ландлигига синган.

**Искандария (Александрия) маёғи** (етти мўъжизанинг охиргиси) Нил дарёсининг Ўрта денгизга қуилиш жойида (таксминан м.а. 280 йили) қурилган бўлиб, энг функционал, одамларга кўп фойдаси теккан «дунё мўъжизаси» бўлиб ҳисобланади (меъмори Сострат). Бу маёқ кемалар қатнови хавфсизлигини таъминлаш, Ўрта денгизнинг энг серқатнов жойидаги ҳаракатни кузатишни осонлаштириш мақсадида бунёд этилган. Шаҳарга яқин ердаги кичик Форос ороли ҳамма жиҳатдан буюк иншоот учун қурилиш майдони сифатида танланган. Катта тошлардан иборат асосга бир-бирининг устига учта мармар минора қурилган. Энг юқорида-

Бу 50 метр баландлықдаги уч ярусли (қаватли) иншоот бўлган. Унинг энг тепасида икки филдиракли жанг аравасида кетаётган Мавсол ва Артемисиянинг мармарли ҳайкали жой олган. Куйи қават 15 та катта устун-колонналар ёрдамида кўтариб турилган ва бу ерда майдони 5000 квадрат метрли ниҳоятда катта сафана ибодатхонаси жойлашган. Қабр атрофини арслонлар ва чопиб кетаётган суворий ҳайкалчалари ўраб туради. Бу иншоотга таникли мөъморлар ва ҳайкалтарош-

лар кўпгина ажойиб безаклар беришган. Бино тубида олтин қутиларда шоҳ ва маликанинг хоки сақланган. Галикарнасадаги (ҳозирги Туркия ҳудудида) бу мавзолей XV асргача сақланган. Зилзила туфайли иншоотга зиён етган, ундан кейин эса рицарь-иоанистлар томонидан бузилган ва ўзлари учун тош монастир куришда фойдаланилган. XIX асрда археологлар мавзолей қолдиқларини, хусусан, Мавсол ва Артемисия ҳайкалчалари ва бошқа зеби-зийнат буюмларини топдилар, ҳозирги даврда бу осори-атиқалар Британия музейида сақланмоқда.

**Родосский ҳайкали** (етти мўъжизанинг олтинчиси) Эгей денгизидаги Родос ороли кўрфа-зидаги юононларнинг Куёш маъбути Гелиос ҳайкали (тажминан м.а. 280-299 йиллари ҳайкалтарош Харес мисдан ишлаган). Унинг пайдо бўлиш тарихи гаройибдир. Милоддан аввалги IV аср охирида оролга лашкарбoshi Деметрий аскарлари ҳужум

қиласы. Дастралб штурм қайтариленген ва Деметр үз қүшинлары билан қочган, аммо қирғокда үша даврдаги супер қурол-гелеполидни қолдириб кетган. Бу ниҳоятда катта қурол-иншоот бўлиб, шаҳар-қалъа деворларини тешиб ўтиш, тош отиш учун мўлжалланган кўпrik, десант турадиган жой каби қурилмадир. Уни ҳаракатга келтириш учун бир неча минг аскар кучи керак бўлган. Родос оролидагилар бу фаройиб қуролни катта пул эвазига сотиб юборишиган ва унинг ҳисобига жаҳондаги энг катта ҳайкални бунёд этишган. Ҳайкалтарош Харес Куёш худоси Гелиосни мис-бронзадан ясаган. Турли муаллифлар бу ҳайкалнинг баландлигини турлича изоҳлайдилар — 33-50 м. Уни үз кўзи билан кўрган Плиний Старший маълумотига кўра, ҳайкалдаги ясалган қўлнинг бир бармоғи оддий инсон қўлига сифмайди. 12 йил давомида қурилган ва ярим асрдан кам яшаган ҳайкал зилзила

окибатида қулаган ва тизза баландлигига синган.

**Искандария (Александрия) маёғи** (етти мўъжизанинг охиргиси) Нил дарёсининг Ўрта денгизга қийилиш жойида (такминан м.а. 280 йили) қурилган бўлиб, энг функционал, одамларга кўп фойдаси теккан «дунё мўъжизаси» бўлиб ҳисобланади (меъмори Сострат). Бу маёқ кемалар қатнови хавфсизлиги ни таъминлаш, Ўрта денгизнинг энг серқатнов жойидаги ҳаракатни кузатишни осонлаштириш мақсадида бунёд этилган. Шаҳарга яқин ердаги кичик Форос ороли ҳамма жихатдан буюк иншоот учун қурилиш майдони сифатида танланган. Катта тошлардан иборат асосга бир-бирининг устига учта мармар минора қурилган. Энг юқорида гисида катта бронза қозонида писта кўмир ёниб (тутаб) турган, унинг нури мураккаб металл кўзгулар ёрдамида деярли юз мил масофадан кўринган. Маёқнинг умумий баландлиги деярли 120 м бўлган. Гулханни доимо сақлаб туриш учун ёқилғи (писта кўмир)ни спиралсимон пандус (зина ўрнини босадиган иншоот) орқали хачирлар ёрдамида юқорига олиб чиқилган. Бу маёқ деярли 1500 йил хизмат кўрсатди ва зилзила туфайли қулаган.

Мана шундай қилиб, «Дунёнинг етти мўъжизаси» тўғрисидаги ҳикоямизни тугатиш мумкин эди, аммо ҳозирги даврда «Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси»га номзодлар анчагина. Айникса, ҳамюртимиз бобурийлар томонидан Ҳиндистонда қурилган Тожмаҳал иншооти диккатга сазовордир. Ундан ташқари, Франция ва Буюк Британияни туташтирувчи Ла-Манш сув ости туннели, Сиднейдаги (Австралия) Опера театри, Мисрдаги Асуан платинаси, Куала-Лумпур (Малайзия)даги қўшалоқ бино ва бошқалар шу номга сазовор бўлиши мумкин.

Жонажон ватанимизда, айникса, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва бошқа шунга ўхшаш кўпгина инишоотлар борки, улар ҳам жаҳон цивилизациясига муҳим ҳисса бўлиб кўшилади.

**Абдухалил РАЗЗОКОВ,  
ТДИУ профессори**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Эркин муомаладаги валютада савдоларга қўйилган «Ўзбекнефтгаз» МҲК таркибидаги қўйидаги объектлар 2006 йил 1 февралдан АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўзбекистон Республикаси МБнинг савдо кунидаги курси бўйича миллий валюта-сўмда савдоларга қўйилишини маълум қиласиз.

1. Сирдарё вилояти, Гулистан шахрида жойлашган Автокемпинг мажмаси.

**Бошлангич баҳоси** – 2 027 600  
АҚШ долларига төнг эквивалентда  
Уағас МЕ-дүйн ортодар шартнамеги күрсі

# **РЕСПУБЛИКА КҮЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

ни, Хайрибод қишлоғида жойлашып бўйича сўмда.

**2. Хоразм вилояти, Хазорасп туманида жойлашган «Саримай» автокемпинги.**  
**Бошлангич баҳоси** – 764733 · АҚШ долларига төнг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда.

3. Намангандын шаҳрида жойлашган «Намангандын нефт базаси».

**Вашлангыч бағоси** – 293231 АҚШ долларига төнг эквивалентда Үз.Рес. МБНИНГ сотув кунидаги курси бүйича.

— А Сиреневый пурпур? — Понял, что

ни, Хайриобод қишлоғида жойлашган «Олтинсой нефт базаси».

**Бошлангич баҳоси** – 619358 АҚШ долларига төнг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда.

рида жойлашган «Шахрисабз нефт базасининг Китоб филиали».

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Соб  
массиви, Махамад Үр  
Республика Қўн**

АДРЕС: Гашкент шыхары, 350-р урамы, 1-й этаж, Академия  
массави, Махамад Уразбов күласи, 1 «А» уи,  
Республика Күнмас мулк биржаси.  
Телефондар: +99 80 26 136 26 26 Факс: +99 06 17 www.kmb.kz

**Бошланғич баҳоси** – 839500 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. МБнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда.

**Хурматли ишбилармон ва  
тадбиркор жаноблар!  
Имкониятингизни бой бер-  
манг.**


Савдоларда Республика Күчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган ма-

лакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Кўшимча маълумотлар учун қуий-

даги манзилларга мурожаат қилишин-гиз мумкин.

р Раҳимов тумани, Кора-қамиш 2/4  
збоев күчаси, 1 «А» уй,  
жашынк биржасы.



## Таҳририятда учрашув

лар билан шартномалар имзолашда, сценарийлар ёзиша, уларнинг ишончли чиқишида юридик билим жуда аскотади.

Оилавий ҳаётимга келсақ, 1998 йилда уйландим. Ҳозир, Ҳудога шукр, бир ўғил, иккى қизим бор. Менинг бойликларим мана шулар! Ҳаётимдан мамнумман. Эл қатори яшашга нима етсин. Бой бўламан, деб иймонингдан айрилма, деган гал бор. Бойлик, пул бу – кўлнинг кири. Бугун бўлса, эртага йўк...

**– Касбдошларингизга муносабатингиз...  
Ва яна кейинги йилларда ижодий фаолиятингизда қандай ўзгаришлар юз берди?**

– Барча касбдошларимни хурмат киласман. Чунки уларнинг ҳар биридан ижодий фаолиятимдагимадир ўргандим. Кимки чинакамига ижод қиласа, яхши рол ижро этса, чин юрақдан қойил қоламан. Уларга интилиб, улардан илҳомланиб, ижодим ўси. Бир ўзим нима ҳам қила олардим. Касбдошларим борки, санъатимиз тараққий этајити. Шу икки йилда менинг ижодидан кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Янги киноларда суратга тушдим. Томошабин билан юзмас-юз учрашиш осон эмас экан. Эндиликда «Остона», «Кайтмас», «Тақдир зарбаси», «Қизилжарлик Эшмат» сингари кинотасмаларим ҳалқа манзур бўлди. Қолаверса, яккахон концертимни кўйдим. Концертга тайёрланаётганимда зал томошабинга тўлмай колса нима бўлади, деб ташвишландим. Ҳудога шукр, хатто кўпчиликка жой етмай қолди. Бу учрашув

## КУЛГУ - ТИНЧЛИКНИНГ БИР ҚАНОТИ

ДЕЙДИ ИССЕҚДОЛИ КИЗИЧИ ҶАҲОН ШОМШИСЕ

...Кизиқчилик ўзига хос жиҳатлари билан бошқа санъатлардан ажralиб туради. Зотан одамни йиглатиш қанчалик осон бўлса, кулдириш, аксина, кийин. Шу боис ҳам чинакам истеъоддлар озчиликни ташкил этади. Шундай кизиқчилар орасида «Мирза театри» артисти Валижон Шамшиев ҳам бор. Куйида у билан кечган сұхбатни ўтиборингизг а хавола этамиз:

**– Кулгунинг хосияти кўп, дейдилар. Сиз қандай килиб кулгу устаси бўлгансаниз?**

– Кулгу инсонга гўззалик, гайрат-шижот ва хотиржамлик бағишлайди. Кулиб турган одамнинг нафқат юзи, балки юраги ҳам кулади. Саломатлиги жойида, ҳаёти ширин, изловчилари кўп бўлади. Ҳурсандчилик инсон қалбиги юмшатади, қалби юмшоқ инсон мўмин, бирорнинг дилини оғримтайди. Кизиқчи бўлиб, одамларга кулгу баҳш этажтанимдан ҳаётимдан мамнумман.

Ўзим асли Андикон вилоятининг Марҳамат туманиданман. Қорабағиши қишлоғида таваллуд топғанман. Болалигимда менга ҳар қадамда ҳимояни бўлиб юрадиган Анваржон акам бор эди. Шу инсон бир куни шундай кўз ўнгимда сувга чўкиб кетган. Шу фожея менга каттиқ таъсир қилди, шекилини, шу-шу ўта таъсирчан, йиғлоки бўлиб кольдим. Шифокорлар: «...болага кўп йиғлаш яхшилик келтирмайди, юраги оғриб қолиши мумкин», дега ота-онамни огоҳлантиришган экан. Улар менин бирор эркалатиб ўтиришгани ҳам шундан.

Уйимизнинг ёнгинасида кинохона бор эди. Янги фильм келса, уни њеч ҳам ўтказиб юбормасдим. Бирор мактабдаги ўқишларим ҳам чакки эмасди. Ўрта мактабни кумуш медалга битказдим. Сўнгра 1992 йилда Санъат институтига ўқишига кирдим ва уни имтиёзли диплом билан тутатдим. Мехнат фаолиятим олдинроқ бошланган. Аввалига Андиконда, Ўлдош Охунбоев номли мусикали театрда иккинчи дарахали актёр бўлиб, кейинчалик ўқиш даврида «Ёш томошабинлар» театрда ишладим.

Бахтим бер экан, Ўзбекистонда хизмат кўсатган артист Мирзабек Холмедов назарига тушиб кольдим. Ҳозирда «Мирза театри»да ишлайди.

**– Сизнингча, инсон қандай яшагани мавъкул? Аниқроғи, ҳозирги моддийлашган даврда бойлика бўлган муносабатингизни билмоқчи эдик.**

– Ҳаётга ҳар кимнинг ўз муносабати бор. Бирор инсон ҳар доим яхшиликка интилиб яшashi керак. Илм олиш савобли иш. Мен ҳозир ҳам талабаман, юристликка ўқияпман. Юридик билим њеч кимга зарар қилмайди. Жумладан, кино яратища бошқа давлатлар билан, театр-

Сұхбатдош: Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

## ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Чин ётиқод безавол ганжидир Дўстларнинг дўстлари орасида бўл

Куролингни иммдин яса

Нокасдан қарз олма

Аёллардан устун бўлишга интилма

Жоҳил зоҳидга инома

Хорлик истасанг, хиёнатчи бўл

Одамларнинг олдида нима десанг, орқасидан ҳам ўшани гапир

Кам гапир, оз егину кам ухла

Бирорнинг миннатини кўтару миннат қилувчи бўлма

Доно кўринган нодондан ҳазар қил

Хожат чиқарышни буюк амал, деб бил

Жонни омонат, умрни иноят бил

Душманинг билан иноқлашган дўстдан кўрк

Хар кимнинг нонини ема, аммо ҳаммага нон бер

Отанг хатоси учун танбех бергувчи бўлма

Сендан қўрқандан сен ҳам кўрк

Тўғри йўлнинг очкуси илмидир

Душманинг душмани билан дўст тутун

Пайғамбарларни ҳамишатирик бил

## НАЖМИДДИН КУБРО ДЕЙДИЛАРКИ:

Дунё-ю охират яхшилигига қаноатда, ёмонлигини таъмада кўрдим

тилишида кўрдим

Энг гўзал безак тавозеъ, энг хунуги баҳиллик экан

Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Оллоҳ таолога итоат қилишда кўрдим. Дунё-ю охират яхшилигини Расул алайҳиссаломнинг суннатига эргашида кўрдим. Немат бутунлигини неъмат Бергувидан миннатдор бўлишда кўрдим. Энг яхши дўст илм экан.

Очкўзни маҳрум, дунёпрастни ғамгин кўрдим

Кўрдимки, экмаган ўрмайди. Шафқат қилмаганига шафқат қилинмайди.

Энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг оғир бало муноғик дўстлар экан

Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва амри маҳол ишни тарк қилишда кўрдим

Энг яхши сарҳисобни кишининг нафси билан ҳисоблашишида, оқилнинг охиратга, ҳоҳилнинг дунёга ин

Инсонга келадиган барча оғат тилдандир

## Биласизми?

\* Европаликлар илк бор жирафани кўрганда, уни тиява қоплон чатишивидан юзага келган деб ўйлаб, тияқоплон деб атаганлар.

\* Танасига нисбатан энг катта мияга эга бўлган мавжудот, бу – чумолидир.

\* Туя – тўрт тиззали ягона ҳайвон.

\* Токиодаги ҳайвонот боғи ҳайвонлар томошабинлардан дам олиши учун йилда иккى ойга ёлиб кўйилади.

\* Жирафанинг кўзи ёригандан, унинг боласи ерга бир ярим метрдан тушади.

\* Туя ўркачлари алдамчи, яъни унинг умуртка погонаси бир текисдир.

\* Ҳар йили асалари чақишидан илон чақанига қараганди кўпроқ одам ўлади.

\* Энг узоқ вақт сув ичмай юра оладиган мавжудод, бу каламушдир.

\* Нил дарёси қирғоқларида тимсоҳ ҷангалида ҳар йили 1000 дан зиёд киши ҳаётдан кўз юмади.

\* Туяқшуми сувда 4 соатда пишади.

\* Капалакларда ошқозон бўлмайди.

\* Бир килограмм бол йигиш учун асалари 2 миллионта гулга кўниши керак.

\* Шимпанзе – кўзгуга қараб ўзини танийдиган ягона ҳайвон.

\* Тимсоҳлар сувга чукурроқ шўнгиш учун тош ютиб оладилар.

\* Кутб айиклари соатига 40 километр тезликда югуриши мумкин.